

Da'vat

Odamlar bilan shunday yashaginki, do'stlaring dushman bo'lmasin, dushmanlaring esa do'stga aylansin.

PIFAGOR

Kuch - bilim va tafakkurda



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan

2004-yil 25-sentabr, shanba

№ 78 (7687)

МУНИС МУАЛЛИМЛАР, СИЗГА ТАШАККУР

"Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" ана шундай эҳтиром руҳида нишонланади

Оламда кўп эрур муборак онлар, Табаррук зотлар ҳам гарчанд кўп эрур. Сизгадир илк раҳмат, азиз инсонлар, Мунис муаллимлар, Сизга ташаккур!

Зомин туман халқ таълими бўлими томонидан 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрамига бағишлаб ўтказиладиган байрам сценарийси Ўзбекистон Қаҳрамони, севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг юқоридаги шеърий сатрлари билан бошланади. Шоир айтганидек, ўқитувчи ва устозларни ҳар қандай муборак ва табаррук зотлардан устун қўйсак арзийди. Мухтарам Президентимизнинг ташаббуси билан ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида нишонланиши ҳам ана шу юксак эҳтиромнинг бир кўринишидир. Бу байрамга барча жойда бўлгани каби Зоминда ҳам ўзгача руҳ ва кўтаринки кайфиятда таррадул кўрилади.

Байрамни ўтказиш ва ташкил этиш ишчи гуруҳи томонидан кенг қамровли тадбир ишлаб чиқилди. Ана шу тадбир асосида тумандаги мавжуд 73 та умумтаълим ўрта мактаблари ва 19 та МТМларида кутлуғ санага бағишланган рангбаранг тадбирлар уюштирилади. Мазкур тантаналарнинг якуний босқичи байрам куни "Сайқал" дам олиш оромгоҳида ўтказилади. Унга туман мактабларидаги 21780 нафар ўқувчиларга сабоқ бераётган 2312 нафар ўқитувчи, мураббий ва тарбиячиларнинг энг илғор вакиллари таклиф этилади.

(Давоми 8-9-бетларда)



МАШАҚҚАТ — МУКАММАЛ БИЛИМГА ЭЛТАДИ

Ҳар бир соҳада ҳам мукамал билим билангина юксак натижага эришиш мумкин. Бунинг учун эса тинимсиз меҳнат талаб этилади. Юксак натижага эришиб, чекилган машаққатларнинг роҳатини кўриш эса ана шу тинимсиз меҳнатнинг маҳсулидир. Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги 1-сон ихтисослашган иқтидорли болалар мактаб-интернати педагогик жамоаси ҳам ёш авлодга таълим-тарбия бериш йўлида тинимсиз изланишда. Шу изланишлар самараси ўлароқ, ушбу таълим муассасаси ўқувчилари нафақат республика

лика фан олимпиадаларида, балки халқаро олимпиадаларда ҳам муваффақиятли иштирок этиб, совриндорлар қаторидан жой олишмоқда. Ушбу муваффақиятларда мактаб-интернатнинг иқтисодиёт асослари фани ўқитувчиси Қаландар Эргашевнинг ҳам ҳиссаси катта. Қаландар ака ўқувчиларга билим бериш баробарида бир неча йилдан буён уларни республика фан олимпиадаларига тайёрлаб келмоқда.

Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

QAROR

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Plastik kartochkalar asosida hisob-kitob qilish tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida qarori chiqdi.

Plastik kartochkalar asosida naqd pulsiz hisob-kitob qilish tizimini yanada rivojlantirishni rag'batlantirish, ulardan chakana savdoda, kommunal xizmatlarga va xizmatlarning boshqa turlariga haq to'lashda foydalanish, shuningdek pul mablag'larining bankdan tashqari aylanishini qisqartirish maqsadida chiqarildi.

Ibrat

"Sog'lom avlod uchun" xalqaro xayriya tadbiri o'tkazilib, hududdagi maxsus maktablar o'quvchilari va Mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilariga kiyim-kechak, dori-darmon va turli o'yinchoqlar tuhfa etildi.

ЎЗБЕКИСТОНДА ГЛОБУСЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛА БОШЛАНДИ!

XI asr bo'shida Bуюк бобокалонимиз Абу Райхон Беруний сайёрамиз думалоқ шаклда эканлиги ҳақидаги кашфийetni инсониятга тақдим этган эди. Минг йиллик танаффусдан сўнг бизнинг корхонамиз ҳамюртларимизга ўз миллий тилимиздаги илк глобусларни тақдим этиш бахтига муяссар бўлди.

Вазирлар Маҳкамаси қoшидаги "Картография" илмий ишлаб чиқариш корхонасида нашр қилинган харита асосида ишлаб чиқарилган бежирим, сифатли, барча илмий талабларга жавоб берадиган лотин имлосидаги сиесий-маъмурий глобуслар (масштаб-1:50.000.000) тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчи корхонадан пул ўтказиш йўли билан сотилади.

ГЛОБУС ТАГЛИГИДАН

1. Сайёрамиз ҳақидаги умумий таъриф;
2. Дунё аҳолиси;
3. Жаҳон макроҳудудлари ва экология;
4. Ирқ ва динлар тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган.



Манзил: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Геофизика кўрғони, 43-йўналишли микроавтобуснинг сўнги бекати
Тел: 8-371-155-24-63, 161-34-68, 330-34-68. Факс: 64-08-15
Хусусий тадбиркор "Исроилов Дилмурод Зокирович"

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

УСТАМА БЕЛГИЛАШ ҲАФСАЛА ТАЛАБ ҚИЛАДИ

3-бет

ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТУВЧИ:

у қандай бўлмоғи даркор?

8-9-бетлар

"ШАРҚ ЗИЁКОРИ" ДАН ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР ХАРИД ҚИЛИШ 16-БЕТ

SO'NGGI
UCH KUN
MUJDALARIISHONCH
YORLIQLARI
TOPSHIRILDI

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovga 22 sentabr kuni Bangladesh Xalq Respublikasining mamlakatimizdagi Favqulodda va muxtor elchisi etib tayinlangan Muhammad Suhrob Husayn Oqsaroyda ishonch yorlig'ini topshirdi.

Shu kuni Prezident Islom Karimov Yaponiyaning O'zbekiston Respublikasidagi Favqulodda va muxtor elchisi etib tayinlangan Yuichiro Kusumoto va Isroil Davlatining mamlakatimizdagi Favqulodda va muxtor elchisi etib tayinlangan Emmanuel Mel ham ishonch yorlig'ini topshirdi.

23-sentabr kuni esa Prezidentimiz Islom Karimovga Koreya Respublikasining mamlakatimizdagi Favqulodda va muxtor elchisi etib tayinlangan Mun Xayongni va Germaniya Federativ Respublikasining O'zbekiston Respublikasidagi Favqulodda va muxtor elchisi etib tayinlangan Xans-Yoaxim Kiderlendani ham ishonch yorlig'ini qabul qilib oldi.

QARSHIDA
INTERNET-
FESTIVAL

Qarshi shahridagi 15-maktabda IREXning «O'zbekiston maktablarida internet» dasturi tashabbusi bilan internet-festival tashkil etildi. AQSH Davlat departamenti moliyalashtirgan ushbu dastur viloyatda internetdan foydalanuvchilar sonini ko'paytirish, yoshlarni mazkur elektron tizim imkoniyatlari bilan yaqindan tanishtirish maqsadida tashkil etildi.

Unda mamlakatimizda faoliyat yuritayotgan oltmishdan ziyod o'quv-internet markazi, nodavlat notijorat tashkilotlar vakillari, o'quvchi va o'qituvchilar ishtirok etdi. Festival davomida o'quvchilar xorijlik tengdoshlari bilan internet orqali muloqotda bo'ldi.

OLIY SUD
PLENUMI

O'zbekiston Respublikasi Oliy sudining navbatdagi Plenumi bo'lib o'tdi.

Oliy sud raisi F.Muhiddinova boshqargan Plenum majlisida jinoyat ishlari bo'yicha dalillar maqbulligiga oid qonun normalarini qo'llash, yakka tartibda qurilgan uy-joyga nisbatan egalik huquqi bilan bog'liq nizolarni ko'rish, qasddan odam o'ldirishga oid ishlar bo'yicha sud amaliyoti, Oliy sud Plenumining ayrim qarorlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish hamda O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Jinoyat ishlari bo'yicha sudlov hay'atining ish faoliyati to'g'risidagi masalalar muhokama qilindi.

Plenumda O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy sudi raisi M.Abdusalomov, Oliy xo'jalik sudi raisi A.Eshmetov, Bosh prokuror R.Qodirov ishtirok etdi.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида сиёсий партиялар вакиллари парламент сайловида сиёсий партияларнинг иштирокини қўллаб-қувватлайдиган сайловчилар имзосини тўплаш учун белгиланган намунадаги имзо varaқалари берилди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасига биноан белгиланган намунадаги имзо varaқалари сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан берилди.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар эгадирлар.

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИДА

эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилган маълумотномасига мувофиқ мамлакатимизда бешта сиёсий партия шундай партиялар сирасига киради:

1. Ўзбекистон Халқ демократик партияси.
2. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси.
3. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси.

4. Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси.

5. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ушбу партияларнинг ҳар бири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиш учун партия иштирокини қўллаб-қувватловчи камида эллик минг сайловчининг имзосини тўплаши керак. Маъмурий-худудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри)

сиёсий партия эллик минг сайловчининг кўпи билан саккиз фоизи имзосини тўплаши мумкин.

Имзо varaқалари топширилганидан сўнг улар тўғри тўлдирилганлигини текшириш Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил қилинади. Имзо varaқаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Сиёсий партиялар парламент сайловида қатнашиш учун Марказий сайлов комиссиясига 17 октябрга қадар барча зарур ҳужжатларни, шунингдек имзо varaқаларини тақдим қилишлари керак.

ЎЗА

28 сентябрдан 2 октябргача Тошкент шаҳрида бадий гимнастика бўйича «Шарқ гўзали-2004» номи остида Жаҳон кубоги мусобақалари бўлиб ўтади. Тўғриси, бу спорт турига мамлакатимизда эътибор суусайиб қолган эди. Яқиндан бошлаб нафосат ва гўзалликни тарбиялайдиган ушбу спорт турига юртимизда ҳам катта эътибор берилди бошланди.

Пойтахтимиздаги «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида олий тоифали гимнастикачиларни халқаро даражада тайёрлашга бағишланган семинар бўлиб ўтмоқда. Юр-

Sharq go'zali — 2004

чиларга кўрсатилаётган юксак ғамхўрлик самараларидандир.

Тўрт кун давом этадиган семинарда мураббийлар Халқаро гимнастика федерацияси эксперти Н.Кузминанинг жаҳонда бадий гимнастиканинг ривожланиш аъналарига оид маърузаларини тинглаб, амалий машғулотларда қатнашадилар.

Халқаро семинарни Миллий Олимпия кўмитаси Президенти Р.Қурбонов очди.

БАДИЙ ГИМНАСТИКАГА
БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР

тимизнинг бадий гимнастика бўйича мураббийлари учун ўтказилаётган мазкур халқаро анжуман Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитаси, Республика хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Бадий гимнастика федерацияси ташаббуси билан ташкил этилди.

Бугунги кунда бадий гимнастика бўйича Олимпиада ва бошқа халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этаётган спортчиларнинг аксарияти юртимиздан етишиб чиққан. Бу мамлакатимизда спорт-

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова, Бадий гимнастика федерацияси Президенти Лола Каримовалар сўзга чиқиб, анжуман иштирокчиларини қутладилар.

«Шарқ гўзали -2004» мусобақасига дунёнинг энг яхши енгил атлетикачиси, олимпиада чемпиони, ўзбек гимнастика мактаби тарбияланувчиси Алина Кабаеванинг ташриф буюриши қутилмоқда.

МУХБИРИМИЗ

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг қўшма йиғилиши булиб ўтди. Унда болаларнинг ижтимоий мослашуви муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат ҳамда уларни оммавий спортга жалб қилишнинг Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларидаги аҳволи билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда мазкур комиссия ва Хотин-қизлар кўмитаси аъзолари, «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилиги болалар жамғармаси вакиллари, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари прокурорлари, мазкур ҳокимликлар ҳузуридаги комиссиялар раислари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя-

КОМИССИЯ
ЙИҒИЛИШИ

га муҳтож ва ногиронларга тиббий хизмат кўрсатиш, вояга етмаганларни спортга жалб этишга жиддий эътибор қаратиляпти. Кейинги беш йилда қишлоқ шифоналарини замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозлашга 200 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Сунгги икки йилда 87 қишлоқ врачлик пункти барпо этилди, мослаштирилган биноларда жойлашган 671 тиббиёт маскани капитал таъмирдан чиқарилди.

Андижон вилояти ногиронларни соғломлаштириш марказидаги уринлар сони икки

бараварга оширилди, вояга етмаганлар орасида касалланишни камайтириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланиб, болалар улимининг камайишига эришилди. Избоскан туманида 500 уринга эга спорт мажмуи ишга туширилди.

Наманган вилоятида уй шароитида таълим олаётган ногирон болаларга ёрдам кўрсатиш кулами кенгайди. Кам таъминланган ва ногирон фарзандли оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида Янгиқурғон туманида ўқув-ишлаб чиқариш маркази ташкил этилди.

Фарғона вилоятида ўтказилаётган «Энг яхши маҳалла ҳамшираси» танлови оналар ва болаларни соғломлаштириш тадбирларининг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатяпти.

Йиғилишда болаларнинг ижтимоий мослашуви муаммоларини изчилик билан ҳал қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш масалалари билан шугулланувчи давлат ва нодавлат муассасаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш белгилаб олинди. Бу борада Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ишлари йўлга қуйишга келишиб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Бехзод НОРБОВЕВ,
ЎЗА мухбири

Андижон вилояти Андижон туманидаги 18-ўрта умумтаълим мактаби ўқитувчиси, Халқ таълими аълочиси Турсунбой Ғоибовдан савол:

1. Педагогика билим юртини тамомлаган, ҳозирда 1,2-тоифа олган бошланғич синф ўқитувчиларининг бир ставка дарс юктамаси олий ўқув юртини тамомлаб ишлаётган 1,2-тоифали ўқитувчилар билан бир хил. Шунинг учун тўғрими?

1. Педагогика билим юртини тамомлаган бўлса-да, ҳозирда 1,2-тоифа билан бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаётган ўқитувчиларнинг олий ўқув юртини тамомлаган 1,2-тоифали ўқитувчилар бир ставка дарс учун бир хил иш ҳақи олиши тўғри, чунки бу тоифалар дарсни юқори савияда ўтказа оладиган ўқитувчиларгагина берилди.

Й.АХМЕДОВ,
Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси бош мутахассиси

Qaror va ijro

Меҳнатга яраша ҳақ олиш ҳар бир кишининг ҳуқуқидир. Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 15 июлдаги «Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида»ги қарори том маънода таълим тизимида ҳам туб бурилиш ясади, десак муболаға бўлмайди. Ушбу қарорга кўра, 2004-2005 ўқув йилининг дастлабки кунидан бошлаб, ўқитувчилар маошига қўшимча тарзда умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига касб маҳорати ва ўқув

рида мазкур тадбир маълум маънода тушунилан ҳолда олиб борилмоқда. Жумладан, бу борадаги ташкилий ишлар, тайёрланган ҳужжатлар сифати анча яхши. Мисол сифатида айтсак, Жиззах шаҳридаги 22-мактаб (директори Д.Садриддинова) ва Бахмал туманидаги 4-мактаб (директори Д.Хайдаров)ларда бу борадаги ишлар намунали тарзда йўлга қўйилганлиги маълум бўлди. Ушбу мактабларнинг ўқитувчиларга устама ҳақ тўлаш бўйича тайёрлаган ҳужжатлари вилоятларда ўтказилган семинарларда тарқатма материал сифатида тақдим этилди. Лекин, ўрганилган Сурхондарё, Тошкент вилоятлардаги аксарият мактабларда ташкил этилган комиссиялар фаолияти та-

доимий фаолият олиб борувчи ишчи органи шакллантирилмаган.

2) Устама белгилаш учун номзодлар ҳужжатларини тайёрлашда:

тайёрланиши зарур бўлган ҳужжатлар тўлиқ жамланмаган; иккинчи ва учинчи тахлилий жадвалларни тайёрлашда ўқитувчи фаолиятини ифодаловчи маълумотлар батафсил ёритилмаган, хулосалар ва устама миқдорлари аниқ белгиланмаган ёки устамалар белгилаш мезонларига амал қилинмаган ҳолда нотўғри белгиланган.

3) Ҳужжатларнинг комиссия томонидан кўриб чиқилиши, тегишли қарорларнинг қабул қилиниши ҳамда ушбу қарорларни расмийлаштиришда:

лиги ҳамда тушуниб етмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Устама оладиган номзодга тайёрланадиган ҳужжатларни тайёрлаш комиссия аъзоларидан синчковлик ва ҳафсалани талаб этади. Ўрганилган баъзи мактабларда, афсуски, комиссия аъзоларининг бу борада айрим эътиборсизликка йўл қўйишгани аниқланди.

Хуллас, ХТВ мутасаддилари текширувлар натижаси бўйича ҳар бир ҳудудда вилоят халқ таълими бошқармалари, туман халқ таълими бўлимлари ва таълим муассасалари вакиллари иштирокида мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўқув-амалий семинарлар ўтказишди. Ушбу анжуманларда Низом талаблари яна бир бор таҳлил этилиб, унинг моҳияти тушунтирилди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Меҳнатни рағбатлантириш ҳар бир соҳа ходими масъулиятини янада оширади. Шу маънода йил бошидан буён халқ таълими тизимига берилаётган эътибор, хусусан, ўқитувчиларнинг меҳнатига устама ҳақ тўлашнинг янги ўқув йилидан ўз зиммасидаги вазифани সিққидилдан бажаришни талаб этади. Демак, меҳнатга яраша ҳақ, берилган ҳаққа яраша меҳнат иш унумини белгилайди. Ҳар иккиси ўз вақтида бўлса, кўзланган мақсадга эришилмаверади.

Умумтаълим муассасалари ва ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари қошида ташкил этилган махсус комиссиялар фаолиятини ўрганиш ХТВнинг ДТС ва умумтаълим дастурлари мониторинг бошқармаси ходимлари томонидан мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида ҳам давом эттирилмоқда.

Устама миқдорининг қанча бўлиши ўқитувчи меҳнатига боғлиқ. Шундай экан, умумтаълим муассасалари ва ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари қошидаги махсус комиссия аъзолари ўз фаолияти давомида ўқитувчилар меҳнат лавқатини баҳолашда, улар маошига устама ҳақ белгилашда Низомга асосланиб, ҳолис ва тўғри фаолият юритиши лозим.

Шерали НИШОНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ҲАФТАЛИК
ДАВОМ
ЭТМОҚДА

Аввал хабар берганимиздек, 20-25 сентябрь кунлари республикамиздаги барча умумий ўрта таълим мактабларида ЮНИСЕФ халқаро болалар ташкилоти билан ҳамкорликда «Йод танқислигидан келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олиш» мавзусидаги йодланган ош тузидан фойдаланишнинг аҳамиятини ўргатиш ҳафталиги ўтказилмоқда. Жойларда бўлиб ўтаётган ҳафталик тадбирларига Республика таълим марказининг «Экология ва саломатлик» бўлимининг мутахассислари услубий ёрдам бериб келмоқдалар.

Куни кеча пойтахтдаги Собир Раҳимов туманидаги 249-, 111-, 247-, 185-мактабларда ҳафталик тадбирлари эрталабки йиғиндан сўнг синфларда давом этди. Ўқувчиларнинг йодланган ош тузи ҳамда йод мавжуд бўлган барча маҳсулотлар, уларни истеъмол қилишнинг аҳамияти ҳақидаги тасаввурлари улар тайёрлаган деворий газеталар, рефератлар, юқори синф ўқувчилари ёзган иншолар ва кичик синфлардаги кичкинтойлар чизган расмларда акс этди. Олдин синфларда энг яхши ишлар сараланиб, кейинроқ мактаб миқёсидаги голиблар аниқланди.

Акмал Икромов туманидаги 311-бошланғич таълимга ихтисослашган мактабнинг 1311 нафар кичкинтойлари ҳам ҳафталикни байрамона руҳда ўтказдилар. Ўқувчилар томонидан чизилган расмлар кўргазмаси чинакам мусобақага айланиб кетди.

— Ҳар бир ўқувчининг чизган расми ўзига хос. Улар ўзларининг мурғак шуурга жо бўлган йод мавжуд бўлган маҳсулотларни истеъмол қилишнинг аҳамияти ҳақидаги оддий тушунчаларини ўз ижодларида ифодалаб бердилар, — дейди мактаб директори Наргиза Хонтўраева.

Мирзо Улуғбек туманидаги 64- мактабда таълим-тарбия олаётган 1209 нафар ўқувчилар ҳам мазкур ҳафталикни муносиб ўтказишга ҳаракат қилдилар. Қуйи синф ўқувчилари чизган расмлар, юқори синф ўқувчилари иншоларининг ҳар бири янги-янги фикрларни кашф этди. Бу ёш авлод ўз соғлигига, тўғри овқатланишига етарли эътибор бериш кераклигини яхши англаётганидан далолатдир. Ишларни баҳолаш жараёнидаги давра суҳбатлари ҳам буни яна бир бор тасдиқлади.

Юнусобод туманидаги 70-мактаб жамоаси эса, юртимизда фаолият кўрсатаётган бир қанча халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйган. Шу боис бўлса керак, ушбу таълим масканида ўтказилган тадбирда халқаро ташкилотларнинг вакиллари ҳам иштирок этдилар. Мактаб ишчи гуруҳи томонидан аниқланган голибларга ТХТБ томонидан Фахрий ёрлиқлар, эсталик совғалари топширилди. Ҳали ҳам давом этаётган ҳафталик тадбирларда ҳар бир мактаб жамоаси фаол қатнашмоқда.

Умида ҒОҒУРОВА,
РТМ «Экология ва саломатлик» бўлими бошлиғи муовини

УСТАМА БЕЛГИЛАШ
ҲАФСАЛА ТАЛАБ ҚИЛАДИ

жараёнига қўшган аниқ улуши, юқори самарадорлик ва ўқитиш сифати учун — ўқувчиларнинг тест синови натижалари бўйича аниқланадиган таълим стандартларини ўзлаштириб олиш даражасига қараб, 25 фоизгача миқдорда, шунингдек, тарбиявий ишлар ва синфдан ташқари ишларнинг олиб борилганлиги учун — ўқувчиларнинг тўғрақарлар ва секциялардаги мунтазам машғулотларга ва ижодий фаолиятга жалб этилиши даражасига қараб, 15 фоизгача миқдорда тариф сеткасида ойлик махсус устамалар белгиланадиган бўлди. Бундай устамалар (25 фоизгача) метод кабинетлари методистларига ҳам ўқув жараёнида фойдаланиладиган ўқув методик материаллар ишлаб чиқишига, янги педагогик технологиялари жорий этишга, ўқитувчиларнинг илғор тажрибаси кенг ёйилишига қўшган шахсий улуши учун белгиланиши қайд этилган. Шу ўринда савол туғилади: хўш, мазкур устамаларнинг тўланиш механизми қандай бўлади? Айни шу мақсадда жорий йил 3 августда Халқ таълими вазирлигининг «Умумтаълим муассасалари ва ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари қошидаги махсус комиссиялар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи чиққан эди.

Шу буйруқ асосида умумтаълим муассасалари ва ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари қошида ташкил этилган махсус комиссиялар фаолиятини ўрганиш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг ДТС ва умумтаълим дастурлари мониторинги бошқармаси ходимлари Тошкент, Жиззах, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларидаги 48 та мактабда бўлишиб, «Умумтаълим муассасалари ва ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари қошидаги махсус комиссиялар тўғрисида»ги Низом талаблари асосида ташкил этилган комиссиялар фаолиятини ўрганишди. Хўш, ўқитувчиларнинг ойлик маошига устамалар ҳар бир ўқитувчи фаолиятдан келиб чиқиб, белгиланар экан, ушбу вилоятларда бу борада қандай ишлар амалга оширилди?

лаб даражасида эмаслиги аниқланди. Шу билан бирга умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган махсус комиссиялар таркибини шакллантиришда, устама белгилаш учун номзодлар ҳужжатларининг тайёрланишида, шунингдек, уларнинг комиссия томонидан кўриб чиқилиши ва тегишли қарорларнинг қабул қилинишида ҳамда ушбу қарорларни расмийлаштиришда қуйидаги асосий хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди.

1) Махсус комиссиялар таркибини шакллантиришда: комиссия таркибига киритилган ўқитувчилар, маҳалла ва оналар кўмитаси вакиллари номзодларининг ҳақиқатдан ҳам жамоа орасида муҳокама этилиб, комиссия таркибига тавсия қилинганлигини тасдиқловчи тегишли қарорлар чиқарилмаган; педкенгаш қарори билан ваколат берилган камида тўрт нафар ўқитувчи киритилиш лозим бўлгани ҳолда айрим мактабларда ўқитувчилар ўрнига бошқа педагог ходимлар (психолог, ташкилотчи ёки маъмурият аъзолари) комиссия таркибига киритилган; комиссиянинг

ҳужжатлар таркибининг тўлиқлигига ва хулосаларда устамалар миқдорининг тўғри белгиланганлигига етарли эътибор берилмаган; 1-, 2- ва 3-жадвалларда барча комиссия аъзоларининг фамилиялари ва имзолари тўлиқ акс эттирилмаган; комиссия қарорлари белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган, айрим ҳолларда қабул қилинган қарорлар барча комиссия аъзоларининг имзолари билан тасдиқланмаган; айрим мактабларда мактаб маъмурияти ва комиссия раҳбариятининг масъулиятсизлиги оқибатида устамалар белгилашга лойиқ бўлган ўқитувчилар фаолияти етарлича ўрганилмасидан номига бир-икки нафар ўқитувчиларга устамалар белгилаш ҳақида хулосалар чиқарилиб, қарорлар қабул қилинган.

Натижада устама оладиган ўқитувчилар сони жуда камчиликни ташкил этмоқда. Масалан, 85-90 нафар ўқитувчидан 1 ёки 2 нафар ўқитувчига устама белгиланган. Бу ҳолни жойларда бунга арзийдиган педагоглар камлиги билан эмас, балки устама белгилашга масъул бўлганларнинг лоқайдлиги, ишқамс-



Кибрай туманидаги 2-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Хуснора Каримова мактабга илк қадам қўйган ўқувчилар қалбига дарров йўл топа олади. Чунки муаллима дарс давомида ўқувчиларга ўзгача меҳр билан муомалада бўлади.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

ИХТИСОСЛАШИШ ИМКОНИЯТИ

Касбни ёшлиқдан танлаш керак экан. Бунинг учун эса аввало ҚИЗИҚИШ зарур. Билмадим, қишлоқда яшаганлигим боисми, қишлоқ хўжалиги соҳасига қизиқардим. Бунга оиламизнинг фермерлиги сабаб бўлиши ҳам мумкин. Бу соҳанинг алоҳида тармоқ соҳа эканлиги, унинг ўзига хос сирлари мавжудлигини ҳис қиламан. Шунинг учун ҳам бунга ихтисослашиш, сир-саноатларидан воқиф бўлишни хоҳлайман. Ана шундай юксак орзулар оғушида Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги Юнусобод академик лицейига ўқишга кирдим. Тўғри, академик лицейда фақат чуқур назарий билим олинади. Олий ўқув юртига кириш учун эшиклар кенгроқ очилади. Шу билан бирга махсус фанлардан нисбатан чуқурроқ билим берилиб, соҳага ихтисослаштирилади.

Модомики, мен мазкур академик лицейда ўқирканман, ҳар бир фанни намунали ўзлаштиришга астойдил бел боғлаганман. Келажакда шу тармоқ бўйича олий маълумот олмоқчиман. Бунинг учун жиддий ўқиш-ўрганиш, тинимсиз изланиш зарурлигини ҳам биламан. Асосийси, қунт ва қизиқишларим мени бу ерга етаклаб келди.

Мақсуд ЭРНАЗАРОВ,
Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги Юнусобод академик лицейи ўқувчиси

Kasbga yo'naltirish

Ўқувчи-ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, шахсий-касбий режаларини амалга оширишда адашмай, бирдан-бир тўғри йўл танлаши мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий маъқеини янада мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этади.

1998 йилдан бошлаб мамлакат таълим тизимида янги босқич — ўрта махсус, касб-хунар таълими пайдо бўлди. Барча туман ва шаҳарларнинг халқ таълими бўлимларида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис Марказлари ташкил этилди. Уларнинг асосий вазифалари сифатида ўқувчиларнинг қизиқиши,

ёшли ўқувчиларда касбга қизиқиш сезиларли даражада фаоллашади. Шунинг ҳисобига олган ҳолда, шу даврда касблар билан таништириш ишларини кучайтириш зарур. Шу ёшдаги болалар билан ишлашда асосий диққатни уларнинг қизиқишини, лаёқатини, иқтидорини ривожлантиришга қаратиш зарур. Шу мақсадда махсус ривожлантирувчи дастурлардан фойдаланиш, унга педагоглар ва ота-оналар диққатини жалб қилиш керак. 8—9-синфларда касб танлаш муаммоси асосий ўринни эгаллайди, бу даврда касб танлашга ёрдам берувчи махсус суҳбатлар олиб борилиши керак. Бу суҳбат бутун синф билан ҳам, алоҳида ҳар бир ўқувчи билан ҳам ўтказилиши мумкин.

Дунёда барча ота-оналар ўз фарзандларининг ривожланиб бориши, билим олиши даврида амалиётчи психологлар хизматига бир неча мартаба мурожаат этишади. Тегишли маслаҳатлар олишади. Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча умумий ўрта таълим мактабларида, ҳатто олис жойлашган қишлоқ мактабларида ҳам амалиётчи-психолог штати киритилган.

Фарзандларимиз ривожланиб бориши даврида, айниқса, ёш босқичлари бўйича (I-IV синф, V-VII синф, VIII-IX синф) ўтиш даврида амалиётчи — психологларнинг маслаҳатлари жудаям муҳимлигини ёдимиздан чиқармайлик.

Ўқувчи шахсининг хусусиятларига,

КАСБ ТАНЛАШНИНГ МУҲИМ ШАРТЛАРИ

қобилияти, туғма лаёқатига қараб, касб-хунарга йўналтириш ишларини амалга оширишни ташкил этиш белгиланди. Бугун ушбу Марказлар ташкил этилганига 6 йил тўлди. Бу вақт давомида нималар қилинди?

Бугунги кунга қадар ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис ишларини йўлга қўйиш бўйича қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, психологик-педагогик ташхис методикалари, ўқув-методик ишланмалар ва ахборот технологиялари тайёрланди.

Ҳозирги кунда бизнинг олдимизда турган энг долзарб вазифалардан бири белгилаб олинган мақсадни амалга оширишдан иборат. Бунинг учун қилинаётган ишларни, барча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ва ўқув-методик ишланмаларни ўқувчига етказиш, яъни, касб-хунарга йўналтириш ишларини энг қуйи бўғин — ўқувчи даражасига тушириш зарур.

Ўқувчининг тўлақонли психологик ва шахсий ривожланиши, қизиқувчанлиги, қобилияти, ўзлигини англаш даражаси муваффақиятли касб танлашнинг муҳим шартидир. 10-12

Ўқувчиларнинг ўз лаёқатига монанд касб танлашида касб турларини, касбларга бўлган талабни, танланган касб қайси таълим муассасасида тайёрланиши ҳақида маълумотлар бериб борилиши керак. Бу маълумотлар ўқувчиларнинг касб танлашида қулайликлар яратади.

Албатта, ўз фарзандларининг тўғри касб танлашларидан ота-оналар ҳам манфаатдордирлар. Шунинг учун ҳам ота-оналар билан мунтазам алоқада бўлиш фойдадан ҳоли эмас. Ота-оналар ўз ҳаётини тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, турли маслаҳат ва йўл-йўриқлар бериб борсалар, ўқувчиларни касбга йўналтиришда сезиларли ёрдам бўлади.

Ёшлар учун қайси касбни, қаерда ўқишни танлаш жуда мураккаб ва масъулиятли масаладир. Бу унинг шахс сифатида шаклланганлигига боғлиқдир. Охир-оқибатда ўқувчининг касбий режасини амалга ошириш билан кейинги ҳаёти қандай бўлиши белгиланади. Касб-хунарга йўналтириш ишлари ўқувчиларга яккама-якка ёндашиб амалга оширилса, яхшироқ самара бериши, шубҳасиздир.

қизиқиш ва мойилликларига мос касб-хунарга йўналтириш ишларининг қулай усуллари ва янги йўллари кидириш мактаб психологи, педагоглар ва ота-оналарнинг вазифасидир. Касб танлашда катталарнинг ўқувчиларга нисбатан ғамхўрлиги, эътибори, касблар билан танишиш учун яратилган шароитлар жуда муҳимдир. Мазкур вазифани амалга ошириш ўқувчининг касбий мойилликлари қанчалик тўғри аниқланганлигига боғлиқдир. Кўриниб турибдики, ўқувчининг ўзи севган касбини танлай олиши педагоглар, психологлар, ота-оналарнинг ҳамкорлигига боғлиқ. Ўқувчининг касбга йўналганлигини белгиловчи психологик хусусиятлар қанча эрта аниқланса, касб-хунарни тўғри танлаш имконияти кўпроқ бўлади. Таълим жараёнида ҳар бир ўқувчига касб танлашда тўғри йўл-йўриқ кўрсата олишимиз муваффақиятларимиз гаровидир.

М.ТУРҒУНОВА,
Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш Республика ташхис маркази методисти

Хоразм вилояти Урганч туманидаги 1-«Лола» номли мактабгача таълим муассасасида таълим-тарбия ишлари намунали йўлга қўйилган. Бунда тарбиячилар Ражаббиди Рўзимова, Гавҳар Матёкубова, Энабиби Искандарованинг олиб бораётган машғулоти болаларнинг одоб ахлоқли бўлиб вояга етишларида асосий омил бўлмоқда.

Суратларда: боғча ҳаётдан лавҳалар.

Бурҳон РИЗОКУЛОВ
олган суратлар.



БОЛАЛАР ЧИЗГАН СУРАТЛАР


«Демир» фирмаси ҳомийлигида Ҳамза туманида жойлашган 52-ёрдамчи мактаб ўқувчилари «Мир» савдо марказининг деворларига мустақиллигимизнинг 13 йиллигига бағишлаб, бир-бирдан чиройли расмлар чизишди. Ўқувчиларга расм тўғараги ўқитувчилари ва мактаб раҳбари Раъно Ҳамралиева ёрдамлашди.


— Мактабимизда мана бир йилдирки, расм тўғараги фаолият олиб бормоқда, — дейди Р.Ҳамралиева, — Тўғаракка мактаб ўқитувчиси Фотима Миржалилова ва француз аёли Элизабет Мэрли бошчилик қилади. Элизабет Мэрли ақли заиф болаларга ўз ҳисобидан 2 минг доллар микдорда пул ажратиб, 25 нафар болани ёзги таътининг биринчи ойда «Кама-лак» оромгоҳида ҳордиқ чиқаришини таъминлади. Ундан ташқари, Кристин Симрон мактаб қошида «Болалар та-бассуми» кулолчилик тўғара-

гини ташкил этди. Ёзги таътил давомида болаларнинг бўш вақтини мароқли ўтказиш мақсадида спорт ва рақс тўғарақлари ишлаб турди. Деворларга расм чизаётган болалар бут тўғарақларга мунтазам қатнашиб, танлов асосида саралаб олинганлар. 5 нафар иқтидорли ўқувчимизнинг яхши расмларини Америкага, ТВК аёллар ташкилоти аъзоси Андрея Бейсга юбордик. Расмлар откритка шаклида сотувга чиқарилиб, ундан тушган маблағ ҳисобига тарбияланаётган болаларнинг 50 нафарини Самарқанд шаҳрига саёҳатга олиб бордик.

Ақли заиф болаларга кўрсатилмаётган бундай эътибор, меҳр-муруватнинг бир кичик шаклидир. Бундай хайрли ишлар нафақат Меҳр ва муруват йилида, балки доимий давом этса, яхши бўларди.

Зевара АҲМЕДОВА,
ЎзМУ талабаси





билан тортиқ этамиз.

Хар бир халқнинг ҳаётини, менталитетини, урф-одат ва қадриятларини ўзга миллат вакилларига холисона етказувчи касб бор. Бу — ёзувчилик. Ёзувчиларнинг асарлари орқали биз ўша миллат ҳаётига кириб борамиз, танишамиз. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳиби, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти соҳиби, адиб Мирмуҳсин бутун умрини ана шу касбга бағишлаган. Ёзувчининг шеърини ва насрий йирик асарлари билан сиз ҳам танишсиз. Адиб билан қилган суҳбатимизни “Меҳмонхона”га самимият

— Хар бир шахсни давр тарбиялайди, деган гап бор. Шу фикрга муносабат билдириб ўтишда ўзингиз туғилган маҳалла, улғайган давр ва унинг одамлари ҳақида тўхталсангиз.

— Чақалоқнинг дунёга келиши хар бир ўзбек хонадошида қувончи воқеа ҳисобланган. Ўғил фарзанд дунёга келса, халқимизда “Авлодимнинг давомчиси туғилди” дея фахрланишади. Тошкент шаҳрининг “Сақичмон” маҳалласида истиқомат қилувчи кулол Мирсаид ака хонадонининг биринчи фарзанди бўлиб, 1921 йилда дунёга келганман. Боболарим ҳам кулолчилик, мўйнадўзлик билан рўзгор тебратилган. Ўша замонларда уларнинг қўлида ясалган сопол буюмлар ҳозир ҳам худди экспонатдек айрим хонадонларда сақланиб қолган. Маҳалланинг тўлиқ номи “Соқчи Имон” бўлган дейишади, одамлар қисқартириб шундай аташган бўлса керак. 20-йилларда Тошкент шаҳрида қандай муҳит ҳукм сурганини яхши биласиз... Мадраса ва масжидлар кўп бўлиб, савод чиқариш эски мактабларда амалга оширилган. Оддий хунарманд бўлса ҳам падари бузрукворим адабиётга илҳомдан, маърифат эгаллашга ташна, эътиборли киши эдилар. Онамнинг исмлари Ҳувайдо бўлиб, ҳақиқий ўзбек аёлларига хос хислатларга эга, ширинсухан, меҳнатқаш, одамохун ва камтарлиги ҳам бор эди. “Рустами достон”, “Алпомиш”, “Гўрўғли” каби халқ достонлари, жангнома типидagi тарихий асарлар ёки мумтоз адабиёт вакилларининг асарларини ўқишга қизиққанлар. Қиш пайтлари оилаларда кирди-чиқди юмушлар камайгач, кулол ва мўйнадўзлар бизниқида йиғилиб, китобхонлик қилишарди. Ўша пайтлари бола қалбим, онгишуурим ила ана шу йиғинларнинг кичик иштирокчиси бўлиб ўтирдим. Турли архаик сўзларга дуч келиб, маъносини отамдан сўрдим. Умуман, ўша давр муҳити одамларни ҳалол пул топиб, ҳалол кун кўришга ундаган. Ҳарқалай, оддий халқ вакили бўлган отам, онаминг кун кечириши мисолида шундай фикр қиламан. Кишиларда эътиқод кучли эди, бир-бирларига моддий кўмак беролмас ҳам, руҳан мадад беришарди.

— Болалик, ўсмирлик, ёшлик киши умрининг кейинги босқичлари учун муҳим босқич, дея тавсифланади. Болалигингизда нималарни яхши кўргансиз? Ўсмирлик давридаги интилишларингизга нималар илҳом берган ёки қандай зиддиятларга учрагансиз? Ёшлиқда эришган муваффақиятлардан гурурланиш туйғуси... Бу учала даврга хос хотирларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Маҳалламизда “Янги ҳаёт” мактаби очилгач, барча

хунармандларнинг фарзандлари қатори мен ҳам 6 ёки 7 ёшимда саводимни чиқаришга киришганман. Ҳозиргидай парта, стол, стуллар қаёқда дейсиз, бўйрага чўк тушиб, ҳарфлар ўрганганмиз. Отамнинг адабиётга илҳомдан эканлиги туфайлими, саводим тез чиққан, қўлимга қанақа китоб тушса, ўқийверганман. Кабий, Жигой, Тавалло, Бўстонлиқда туғилиб ўсган Элбек ва шоир Хислатларни кўриб, учрашиб, суҳбатлашиб насиб этган. У пайтларда адабиёт оламига тетапоя қадам ташлаб кириб келаётган

қайтиб келмаганлиги уруш даври одамларининг иродасини тоблади. Мени ҳам 20-, 30-, 40-йиллар муҳити ҳаётга тайёрлаб, хар томонлама пишитди, тақдиримдан, унда учраган зарбалардан сира афсусда эмасман. Ҳаёт хар бир кишига йўл кўрсатувчи, тарбияловчи устоз экан...

— Инсоннинг жамиятдан ўз ўрнини, мавқеини топиши ҳаётининг ҳодиса сифатида ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Агар бирор кишининг ҳаётда иши юришмаса, айбни жамиятга ёки ўзи яшаётган юртга, ҳеч бўлмаганда оиласига ағдара бошлайди. Бу борадаги сизнинг нуқтаи назарингиз?

— Сиз берган бу савол “комил шахс” тушунчаси билан боғлиқ. Барча замонларда ва дунёнинг турли қитъаларида яшаб ўтган хоҳ қадимги, хоҳ ҳозирги буюк шахслар бўлсин КОМИЛ ИНСОН, уни қай тарзда тарбиялаш, шакллантириш ҳақида кўп қайғуришган. Бизга қадар қанчадан-қанча адабиётлар, ҳикматли сўзлар, ҳадиси шарифлар ёки кўхна битиклар етиб келган. Ўқиб кўринг, ҳаммаси инсонни тўғри йўлга бошловчи, унга оқилона йўл кўрсатувчи панд-насихатлардир. Аслида уларнинг барига риоя қилиш қийиндек ҳам туюлади. Энди, сиз ўқитганингиздек, ҳаётда ҳамма одамнинг ҳам ишлари

мушдаги воқеалар шу қадар улканлашиб мураккаблаша бошладики, уларни шеърга ёки достонга сиғдириш қийинчилик туғдирди. Насрнинг имконияти кенг, бу айни ҳақиқат. Шу боис насрга мувожаат қилишга ҳаракат қилдим. Биринчи насрий тўпламим 1942 йилда чоп этилган бўлиб, катта-кичик ҳикоялардан ташкил топганди. Эпик жанрнинг шеърятга қараганда имконияти кенг бўлгани билан, юки унга қараганда анча оғир. Масалан, битта роман яратиш учун маълум бир давр танлаб олинган бўлса, адиб ўша пайтдаги тарихий воқелик, кишиларнинг яшаш тарзи, дунёқарашини, бир-бири билан муносабатини ҳам ўрганиши, типиклаштириши, китобхон кўз ўнгига келадиган даражада тасвирлай, ифодалай олиши керак. Керак, керак деймизу, бунинг машаққатини қалам тебратган кишигина юрагидан ўтказа олади. “Меъмор”, “Умид” каби романларим устида узоқ йиллар изландим. “Чотқол йўлбарси”, “Темурмалик”, “Илдишлар ва япроқлар” каби романларим учун ҳам оз меҳнат сарфламаганман. Хар бир персонажнинг образ даражасига етиши, воқеаларнинг боғланиб кетиши, катта-кичик деталлар, асарнинг кириш қисми, хотимаси, ҳамма-ҳаммаси ҳаётини, ишонарли бўлиши керак. Яратган насрий



Азиза, айниқса, китобга ўч. Ўзимизнинг романлардан ташқари дунё адабиёти дурдоналарини ҳам ўқиб чиққан. Наргиза, Абдували, Ҳилола, Рустам каби набираларим ҳам ул-бул китобларни сўраб келиб қолишади. Йиллар мобайнида йиғилган хазинадан нафақат оила аъзоларим, айни пайтда қариндош-уруғлар ҳам фойдаланишмоқда. Мен шундан хурсандманки, бир киши тўплаган бойлик бутун бир авлодга татийди. Бу ўлмас, олтиндан ҳам қиммат турувчи бойлик мендан фарзандларимга мерос сифатида қолади, жавонда турган китоблар ҳаммаша ўз қадриятини топади, деб ўйлайман. Ҳозирги вақтда ота-оналар фарзандига 4—5 минг сўмлик китобни қиммат деб олиб беришга пулини қизғонса-да, худди шу нархдаги кийим-кечакни харид қилишга малоллик сезмайдилар. Шунинг таъсири туфайли китобхонлик паст даражага тушиб қоляпти, бундай муносабат борган сари илдиш отиб кетишига асло йўл қўйиб бўлмайди.

— Киши шахс даражасига ўз-ўзидан чиқа олмайди: муаммоларга учрайди, боши деворларга урилади, нафрат ёки муҳаббатга сазовор бўлади. Шундай кезде тиргак бўлиб, таянч бўлиб, унга бир куч мадад беради, бу устоздир. Сизнинг ҳаёт йўлингизда, ижодингизда ана шу вазифани ким ўтаган? Унинг қиёфасига чизиларингиз?

— Ҳаётдаги елкадошим, маслакдошим ва устозим адиб Фафур Фулом эдилар. Мен туғилиб, эсимни таниб қолган маҳалларда устоз шоир, адабий жамоатчилик орасида тан олинган адиб эди. “Хастимом” маҳалласи билан “Сақичмон”нинг ораси яқин эди. Фафур Фуломнинг хонадонига мен каби ҳаваскор шоирларнинг кўпи борар, устоз уларни самимий қарши олар, ҳазил-мутўйба аралаштириб гапиришни яхши кўрардилар. Ўзбекистон радиосида ишлаган йилларимда худди сизга ўхшаб Фафур Фуломдан интервью олишга борардим. Кейинчалик “Муштур” журналига муҳаррирлик қилган кезларимда бу шоир билан ижодий ҳамкорлигимиз яна ҳам кучайган. У киши таҳририят аъзоси сифатида анчамунча маслаҳатлар бериб турарди. “Муштур кутубхонаси” туркуми остида 15 кишининг ҳажвий руҳдаги асарлари тўпланиб, китоб ҳолига келтирилишида Фафур Фулом ташаббускор бўлган эди.

— Муштурларимиз адиб Мирмуҳсинни асарлари орқали билишса, бугун у билан газета саҳифасида юзлашиб турибдилар. Уларга тилакларингиз? ...

— Халқимиз маърифатли, томирларимиз ҳам бақувват. Тарихдан маълум, Беруний, Улуғбек, Амир Темур, Имом ат-Термизий, Ал-Фарғоний, Навоий, эҳ-ҳе, санайверсангиз алломаларимизнинг адоғига етолмайсиз. Юртимиз тупроғида уларнинг излари қолган, руҳлари кезиб юрибди. Шундай халқнинг бугунги авлоди мустақил юртда келажак сари одимляпти. Мен ишонман, Ўзбекистон, Юртбошимиз таъкидлаганидек, келажак буюк давлат бўлади. Бунга бутун мамлакатимизда барча фуқаролар, жумладан, ўқитувчи ва мураббийлар ҳам ҳисса қўшиши керак. Тарихан бой, ўз маданиятига эга халқ абадий яшайди.

Суҳбатдош:
Хулқар ТҲЙМАНОВА

МИРМУҲСИН:

ИЛДИЗИ БАҚУВВАТ
ХАЛҚНИНГ КЕЛАЖАГИ
ҲАМ ПОРЛОҚ

ҳаваскор бўлганим боис анча танилиб қолган бу шоирларнинг суҳбатида бўлиш менга завқ-шавқ бағишларди. Навоий, Лутфий, Фурқат, Жомий каби мумтоз адабиётимизнинг йирик вакиллари асарлари мутолааси менга илҳом берарди. Ижод оламнинг сеҳри болаликдан бошланган, ўсмирликда ривожланган, ёшлик даврига келиб, бошимга анча маломатлар ҳам ёғилган. Раҳматли тоғам Собиржон ҳозирги Шредер номидаги боғдорчилик илмий текшириш институтининг дастлабки раҳбари бўлиб ишлаган эдилар. 1937 йилда у киши “халқ душмани” сифатида қатл этилган. Ўша йилларда 15—16 ёшли ўспирин эдим. “Халқ душмани”нинг жияни” сифатида мени ҳам хар қадамда таъқиб остига олишарди. Орадан кўп ўтмай уруш бошланиб кетди. Бизнинг ҳам ўқишимиз чала қолса-да, Москва атрофидаги электростанциялардан бирида фронт ортини мустаҳкамлаш мақсадида олиб кетдилар. Давр долғали, бир томонда уруш, руҳан ва моддий жиҳатдан эзилган одамлар... Машаққатли ва азоб-уқубатга кўмилган халқнинг барибир иродаси букилгани йўқ. Мен каби ёш шоирлар эса, ижод қилишга, китоб чиқаришга имкон топар, шеър ёки ҳикояларини матбуотда эълон қилишдек туйғуга асир эдилар. Илк муваффақиятим сифатида биринчи китобим чиққан 1944 йилни яхши хотирлайман. 1945 йилда “Вафо” номли шеърини тўпламим нашрдан чиққан. Институтдаги йўлбошчим, раҳнамоим раҳматли олим Ҳамид Сулаймонов эдилар. Деворий газетда шеърим босилса ҳам кўксим тоғдек кўтариларди. Марҳум шоир ва ёзувчиларнинг юбилейларини ўтказишда қатнашардим. Ёшлик давримнинг уруш йилларига тўғри келиши, қариндош-уруғ, таниш-билишларнинг жангга кетган фарзандларининг

юришиб кетавермайди. Кимдир жамиятда ўз мавқеини топади, кимдир эса бунга эришолмайди ва бу хилдаги кишилар ҳаётдан, жамиятдан нолиб, аламзада бўлиб юрадилар. Инсон ҳалол меҳнат қилиш руҳида тарбияланган бўлса, агар миёсига илм-маърифат, касб-хунар эгаллаш ҳақидаги маърифий қарашлар сингдирилган бўлса, ўз келажак учун пойдевор яратишга эришса, ҳеч қачон ҳаётнинг қақшатқич зарбаларига дуч келмайди. Мабодо турмушда айрим зиддиятларга учраса ҳам, ақлини ишга солиб, вазиятдан чиқиб кетиш йўлларини топади. Хар томонлама — оилада, жамиятда, қариндош-уруғ орасида ўз обрў-эътиборига эга кишилар кўп, маълум маънода уларни мукамал шахс деб ҳам тан олишимиз керак. Бундай кишиларнинг оиласи тинч, касбу ҳунари орқасидан иззат-ҳурматга эришган, қўлидан келган хайру саховатини ҳам бева-бечоралардан дариг тутмайди, бировни хурсанд қилгиси келади, муҳими ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайди. Қанийди, жамиятда шундай кишилар кўпайса. Тушкун ва руҳан эзилганлар қалбига ҳам аслида худди шундай кишилар малҳам бўладилар...

— Ёзувчилик, бу ақлий меҳнатдир. Мия доимий фикрлашда: ётса ҳам, турса ҳам, ҳаттоки овқатланаётганда ҳам у образ яратиш, асарни типиклаштириш, китобхон ишонадиган даражага келтириш устида ўйлайди. Буюк шахслардан бири қобилиятнинг 99 фоизини меҳнат ташкил қилади, деган. Умуман, адиб сифатида ёзувчилик машаққатлари ҳақидаги тўхтамларингиз нималардан иборат?

— Дастлабки йилларда шеърини усул билан ижод қилишга қизиққанман ва маълум даражада анча-мунча изга ҳам тушиб олган эдим. Кейинчалик тур-

асарларим рус, қозоқ, тожик, озарбойжон, туркман тилларига таржима қилинган. Шеърларим инглизчага ўгирилган ва таржима нусхалар кутубхонамда сақланяпти.

— Олим, шоир ва ёзувчиларнинг, албатта, шахсий кутубхоналари бўлади. Сизнинг кутубхонангиз ҳам сони, салмоғи жиҳатидан ўз тарихига эга бўлса керак. Бугунги кунда унинг хизмат доирасини ташкил қилганмисиз? Умуман, мактабларда китоб мутолаасини ривожлантириш бўйича қандай китобхоналар берасиз?

— Китоб йиғиш, кутубхона яратиш истаги хар бир зиёлида бўлади. Аждодларимизнинг умр йўлига назар ташлайдиган бўлсак, улар ҳам маърифат тарқатишининг энг оммавий усулини кутубхонада деб билишган. Мирзо Улуғбек 40 йил ҳукмронлик қилган бўлса, илм аҳлига хизмат қиладиган энг катта расадхона қуришга бошқош бўлган. Тарихий манбаларда қайд қилинишича, бу расадхона унинг ўғли Абдуллатиф томонидан ёндириб юборилган.

Ҳозирги вақтда олим, шоир, ёзувчилар, албатта, ўз шахсий кутубхоналарини очиб ҳаракатда юрадилар. Каттадир, кичикдир, албатта, уларнинг уйларида кутубхона бор. 10 мингта китоб жамғармасига эга кутубхонамдаги дурдоналарнинг аксариятини харид қилиб олганман, совға сифатида берилганлари бор, ҳаммаси ҳам ардоқли буюм сифатида жавонда турибди. Ўғил-қизларим бу кутубхонадан фойдаланишган, илмий, сиёсий, бадий адабиёт бўлсин, уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондирган. Қайси китоб қаерда турганини биланман. Эндиликда турли адабиётлардан невараларим фойдаланишмоқда. Иқтисодиёт университетиде ўқувчи неварам

РИВОЯТ БИЛАН УЙҒУНЛАШГАН ДАРС

ЎҚУВЧИЛАРИМДА ҲАЙРАТ УЙҒОТДИ

Биринчи синфдан бошлаб ўқитаётган ўқувчиларим тўртинчи синфга кўчишди. Ўтган уч йил давомида уларнинг билимини ошириш учун бор куч-ғайратимни сарфладим. Уларга янги педагогик технология асосида дарс ўтишим, айниқса, кўл келяпти. Бу услубнинг қулайлиги шундаки, дарс жараёнига боланинг ўзи жалб қилинади, дунёқараши кенгайтирилади. Масалан, ўтган ўқув йилида учинчи синфда ўқиш дарсида «Табиат билан суҳбат» мавзусини ўтганимда, энг аввало, ўқувчиларга ривоят ҳақида тушунча бердим. Сўнгра ўқувчиларга Бўрон, Жала, Дарё, Қуёш ва Инсон қиёфалари тўғрисида сўзладим. Дарс охирида бобо билан набиранинг бир дарахт олдидаги суҳбатини келтирдим. Бобо кўлида тош билан дарахтнинг танашига миҳ қоқиб, анча қараб турди. Сўнгра набиранинг «Бориб кўрчи, болам» деб айтди. Шунда набиранинг дарахтнинг олдида бориб, миҳ тагидан сув чиққанини айтди.

Бобоси бўлса: «Ана кўрдингми болам, бу сув эмас, дарахтнинг кўз ёшидир. Ҳеч қачон да-

раҳтга зиён етказмагин», деб айтди. Бу билан мен ўқувчиларимни табиатни доим асраб-авайлашга, кўз қорачигидек сақлашга даъват этдим. Математикани ўқитишда ҳам бу услубдан самарали фойдаланаётиман. Ўқувчиларга турли математик топшириқлар берилади ва жавоблар олинади. Бу фанга оид шеърлар, оғзаки мисол ва масалалардан унумли фойдаланаман. Уларнинг

Tajriba

ўзлари ҳам ҳаётий масалалар тузишади, ҳам тестдан фойдаланадилар. Самараси яхши бўлмоқда.

Ўқув йили давомида ўқиш ва математика дарсларини янги педагогик технология асосида ўтганим туфайли ўқувчилар ўзлаштириши юқори бўлди. Шу туфайли ўқувчилар билимини муσταҳкамлаб бораётиман. Ушбу ўқув йилида «Одобнома» фанини ҳам шу услубда ўтишни режалаштирганман.

**Шоирахон ТҲУТАСИНОВА,
Риштон туманидаги
37-умумий ўрта таълим
мактабининг
бошланғич синф ўқитувчиси**

Бу йилги янги ўқув йилининг бошланиши ўқитувчилар олдида ўтган ўқув йилларига нисбатан бир қанча янги, масъулиятли вазифаларни кўйди. Чунки бир қанча янги таҳрирдаги лойиҳалар; ойлик маошларнинг оширилиши, ижара тизимининг синфларда кенг жорий этилиши педагоглардан янги ишлашни тақозо этади.

Ана шундай масъулиятли вазифалар таркибига ўқувчи билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш мезони ҳам қиради.

Биламизки, олдинги ўқув йили

енгил ва ҳисоб-китоб ишлари ҳам анча осон.

Умуман олганда, мактаб педагогика жамоалари ишлаб чиқилган лойиҳани бир овоздан маъқуллашди, деб ўйлайман. Чунки мазкур Низомда «рейтинг» тушунчаси ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларининг шаклланиши даражасини кўп балли тарзда баҳолаш, назорат қилиш, ўқувчи иқтидори ва қобилиятини ривожлантиришда ҳам анча кўл келади. Яъни, бу рейтинг мезонини аввало ўқувчи ва ота-онага тушунтириш осон. Авваллари «балл»

Munosabat

Умуман рейтинг тизимининг янги лойиҳасида берилган «Мақсад ва вазифалар», «Назорат турлари ва шакллари», «Рейтинг тизимида ўқувчилар билимини баҳолаш тартиби», «Ўқувчиларни синфдан-синфга кўчириш ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув муассасаларига йўналтиришни ташкил этиш тартиби» каби бир қатор бўлим ва иловалари талабга мос, қулай.

ОТА-ОНАЛАРНИНГ ҲАМ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРАДИ

давомида рейтинг тизимининг жуда мукамал, аммо ҳисоблашларнинг кўплиги, ўқув балларининг ҳар хиллиги, мажбурий стандарт текширув ишлари ишланмаларининг ҳар бир ўқитувчи кўлига етиб келмаганлиги, хуллас, анча мураккаблиги ўқитувчиларда бироз қийинчиликлар пайдо қилган эди.

Бу йил эса «Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг таълим тайёргарлиги даражаси рейтинг тўғрисида» эълон қилинган Низомнинг янги таҳрирдаги лойиҳаси («Маърифат» 2004 йил, 21 август) барча мактаб педагоглари томонидан кўриб чиқилганлиги сир эмас, балки маъқулланган лойиҳа, деб ҳисоблаш мумкин.

Ушбу рейтинг тизими анча қулай, замон талаби ва ДТСга мос, энг асосийси, тили мураккаб эмас, балки

тизимини, гуруҳини тушунтиришда анча қийинчилик мавжуд эди. Эндиликда эса бу қулай, осон. Рейтингни амалга ошириш тамойиллари ҳам босқичма-босқич тарзда, назорат турлари ва шакллари асосида амалга оширилади. Бу эса педагогик, дидактик ва психологик талабларга мос келади.

Яна қулай ва тушунарли бўлган, лекин жуда қизиқ жиҳатларидан бири МСНИ (мажбурий стандарт назорат ишлари) мажмуасида рейтингнинг **меъёрий услубий негизи** эканлигидир. Яъни, ўқувчи «базарди» ёки «базармади» тарзида ифодаланади. БКМ (билим, кўникма ва малакалар)нинг элементлари сонидан қатъий назар «5» балл билан баҳолалиши ҳам ўқувчи ва ўқитувчи олдида анча қулайлик, лекин масъулият юклайдиган ҳолатдир.

Энг асосийси, бу лойиҳа ўқувчи, ўқитувчи ва ота-она мажбуриятини ҳис қилган ҳолда, бир-бирига кўмаклашув асосида амалга оширишни талаб этувчи меъёрий мезондир.

Яна бир жиҳати журналларни тўлдиришда авваллари жуда кўп хатоликларга йўл қўйилар эди, берилган 4-илова асосида эса бу ишни анча тушунган ҳолда ишлаш мумкинлиги кўриниб турибди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу ишлаб чиқилган лойиҳа ДТСга тўлиқ жавоб берган ҳолда анча енгил, қийинчиликлардан холи, энг асосийси, яна бир бор таъкидлашни жоиз билдим, ота-она, ўқувчи, ўқитувчи масъулияти ва мажбуриятини тўла талаб қилган ҳолда ишлаб чиқилган.

**Дилбар НОРМУРОВОВА,
Термиз шаҳридаги Алишер
Навоий номидаги мактаб
ўқитувчиси**

Жиззах туманидаги 8-«Нилуфар» МТМсига борганимизда, бир гуруҳ болаларнинг тарбиячи билан қизгин суҳбат, баҳс-мунозара ўтказётган бир пайтнинг устидан чиқдик. Бу жўшқин ва қизгин баҳс нима мавзуда эканлиги билан қизиқдик. Аён бўлишича, гуруҳ болалари бетоблиги туфайли бир неча кундан бери боғчага келолмаётган ўртоғини кўришга боришган экан.

— Мафтуна бизни кўриб жуда хурсанд бўлди, — дейди ўзининг таассуротини тўлиб-тўлиб баён этишга ҳаракат қилаётган Дилноза. — Борганимизга катта раҳмат айтди.

— Биз олиб борган гул, кўғирчоқларни роса мириқиб ўйнади, — суҳбатга кўшилди Динора Саидмуродова. — Айниқса, мен айтиб берган шеър унга жуда ёқди...

— Болалар ўртасида ўзаро ҳурмат-эътибор тушунчаларини тарбиялаш бизнинг бурчимиз, — дейди мактабга тайёрлов гуруҳининг тарбиячиси Малика Шодмонова. — Бунда болаларнинг бир-бирига бўлган ишончи, ҳурмати ортади. Мана шу амалий машғулотларимизнинг мантикий давоми сифатида кичкинтойларимиз уйга боришганда ота-онаси, бува ва бувиларига қўлларидан келгунча баҳоли қудрат ёрдам беришади. Яхшиси бу ҳақида болаларнинг ўзидан эшитайлик-чи?

— Мен ҳар куни ҳовлини супуришда ойимга ёрдам бераман, — дейди Камола.

— Мен эса бувим ва бувамлар чой ичаётганда пиёла олиб келаман, — суҳбатга қўшилди Дилноза. — Кечкурун уларга яхши ётиб туришлар дейман. Эрталаб эса уларга салом бераман.

«Нилуфар»да болаларни миллий қадриятлар асосида тарбиялашга эътибор катта. Кундалик ҳаётимиздаги кўринишда оддий, лекин болаларни ўзаро ҳамжиҳатликка даъват этувчи намуналарнинг таъсирчан кучидан унумли фойдаланаётганлигида гап кўп. Муҳими, болалар нима иш яхши-ю нима иш ёмон эканлиги ҳақида ўз тасаввурига эга. Ука сингилга меҳрибон бўлиши, катталарнинг айтганини қилиши зарурлигини англаб етган улар. Миллий қадриятлар ва тарбиянинг энг муҳим кўринишларидан бири ҳам шу. 120 нафар бола тарбияланаётган боғчадан ота-оналарнинг қониқши ҳосил қилаётганлиги ҳам таълим-тарбиянинг талабтар даражасида йўлга қўйилганлигидан нишонадир.

II- «Бинафша» МТМ жамоаси эса меҳр-мурувват тушунчаларини болалар онгига сингдиришнинг янада соддароқ, оддийроқ усулидан фойдаланишмоқда. Гап шундаки, боғча жойлашган Нормат Абдуллаев номидаги жамоа хўжалиги билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Жамоа раҳбари Фурқат Тўйчиев боғчага тез-тез ташриф



БОЛА

ҚАЛБИДАГИ МЕҲР

УНИНГ КўРИНИШЛАРИ ҚАНДАЙ?

буюриб, амалий ёрдамни аямайди. Хўжаликнинг иссиқхонаси бор. Болалар вақти-вақти билан ана шу иссиқхонада саёҳатда бўлишади. Унда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг ишлашини ўз кўзлари билан кўришади. Томошанинг эса қоларли томони шундаки, иссиқхона ишчилари ўз меҳнатларининг маҳсули — помидор, бодринг каби маҳсулотлардан болаларга совға қилишади. Боғча опалар бундай меҳрибонлик — саховатнинг бир кўриниши эканлигини кичкинтойларга тушунтиришади. Кичкинтойлар ҳам бундай саховатли кишиларни эсдан чиқаришмайди. Бундай одамлар ҳақида ўртоқларига, уйдагиларга тўлиб-тошиб сўзлаб беришади.

— Тарбиячилар бундай амалий машғулотларнинг мазмун-моҳиятини болалар-

га содда кўринишда тушунтирадilar, — дейди услубчи Норой Турдиева. — Саховат замирида болаларга меҳр ва муҳаббат, гамхўрлик кўрсатилаётганлиги баён этилади. Суҳбатлар чоғида болалар бундай кишилар кўп эканлигини ўз фикр ва дунёқарашлари орқали ифода этадилар. Кўчада ёки уйда коптоғи йўқ болага копток бериб туриш ҳам меҳр эканлигини болаларга ҳаётий мисоллар билан айтишади. Боғчада нарсалар талашмаслик, бир-бирига ёрдам бериш, ўйинчоқларни асраб-авайлаш, гул ва дарахтларни синдирмаслик, ҳайвонларга озор бермаслик ҳам яхши хислат эканлигини болалар ўз тасаввурда имкон даражасида идрок этишади.

Боланинг боғчага ҳарҳасасиз келиши, ота-онасининг кўнгли тўлиши — боғчада-

Maktabgacha ta'lim

ги ишларнинг яхши йўлга қўйилганлигидан дарак беради. «Бинафша» гарчи 90 ўринга мўлжалланган бўлса-да, унда ҳозир 120 нафар бола тарбияланмоқда, 12 нафар тарбиячи меҳнат қилмоқда.

Тарбиячилар ҳар бир машғулотда кичкинтойларнинг ўзаро аҳил ва иноқ бўлишига, атрофдагиларнинг эътибори ва меҳрибонлигини ҳис этишга хизмат қилувчи воситалардан унумли фойдаланмоқдалар. Бундан ҳамма, айниқса, ота-оналар мамнун.

9-«Қалдирғоч» МТМ Жиззах шаҳрида ўзига хос мавқега эга. Бу ерда боғчага, болаларга меҳр-мурувват, саховат кўрсатишнинг ўзига хос аънанаси мавжуд. Бу ҳақда салкам чорак асрдан буён жамоани бошқариб келаётган Турсуной опа Серкебаева шундай дейди:

— Боғчамизда тарбияланиб, вояга етган кўплай ёшлар бугунги кунда турли касбда меҳнат қилишмоқда. Уларнинг ўғил-қизлари ҳам шу боғчада вояга етишяпти. Мурувват пинҳона, меҳр ошқора деганларидек, улар бизга ҳамиша кўмак беришади. Шу йилнинг ўзида 100 минг сўмлик кўрпа-ёстиқ жилди, 75 минг сўмлик идиш-товок, ўйинчоқ, палос олиб берилди. Албатта, буларнинг барчаси боғчамизга кириб қилинган. Биз болаларга буни худди сизларга ўхшаб шу ерда тарбияланган, ҳозирда турли ишларда ишлаб турган ота-оналар олиб беришганлигини айтмайди. Шунда болалар биз ҳам катта бўлсак дафтар-қалам олиб берамиз, дейишади. Шунинг ўзи ҳам болаларда озгина бўлса-да, тушунча уйғотади.

Боғчадаги яна бир ибратли тадбирга алоҳида тўхталса арзийди. Байрам кунлари тарбиячилар турли қандолат маҳсулотлари пишириб келишади. Ота-оналар бундай пишириқни кўчадан олиб келмасдан, боғчанинг ўзидан сотиб олишади. Тарбиячилар ана шу пишириқлардан қолган фойдага турли ўйинчоқлар харид қилишади ва бу ўйинчоқларни бевосита болалар билан биргаликда шаҳардаги «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланаётган болаларга совға қилишади. Бундай саховатли ишда иштирок этганидан болалар шубҳасиз ибрат олишади.

Бугун катталарнинг меҳри оғушида камолга етаётган ўғил-қизларимиз келажакда оқибатли инсонлар бўлиб шаклланиши шубҳасиз. Бу биринчи галда МТМ тарбиячилари зиммасига катта масъулият юклайди. Зеро, учинчи мингйилликнинг болалари меҳрга ошно авлод бўлиши тараддуидамиз.

**Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» муҳбири**



Bayram
tadbirlari

тон, теннис, армрестлинг, шахмат-шашка каби турлар билан шуғулланиш имконияти яратилган.

— Шаҳарчани бунёд этишга июль ойидан бошлаб киришдик. Вазирлик томонидан таклиф берилгач, бугун куч ва эътибор шунга қаратилди. Мақсад ҳар ойда келадиган тингловчиларни жисмонан ҳам чиниқтиришдир. Спорт машғулоти пайшанба, шанба ва якшанба кунлари жадвал асосида ташкил этилади, — дейди бу ҳақда институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори Собир Зиёев.

... Ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрамига институтда спорт шаҳарчасининг очилиш маросимида турли мусобақалар уюштирил-



Катта ёшдаги кишиларнинг ўй-хаёллари аксарият ҳолларда бола-чақа, рўзғор, тўй-ҳашам, қолаверса, ўз турмуш шароитини янада яхшилаш ташвиши билан банд бўлади. Бу ҳолатдан кўп сонли халқ таълими ходимлари ҳам мустасно эмас. Ҳар ойда 450 нафардан кам бўлмаган тингловчи жалб қилинадиган А.Авлоний номи-

қўшимча хоналардаги иссиқлик қувури капитал таъмирдан чиқарилди.

Республикаимизнинг турли вилоятларидан келган қисқа муддатли курс иштирокчиларини энг сўнгги янгиликлардан бохабар қилиш, уларга замонавий педагогик технологияларни қандай қилиб жорий этиш бўйича кўрсатмалар бериш би-

ли фанлардан бўлган мактаб директорларининг 6 та гуруҳи ўртасидаги арқон тортиш беллашуви халқимизнинг қадимий ўйин тури бўлгани учунми, иштирокчилар томонидан ўраб олинди. Арқон тортишга старт

спорт билан шуғулланиш озгина, созгина дам, умрни узайтириш ҳақида жиндек қайғуриш, қолаверса, янги иш куни учун куч-қувват тўплаш.

Дарвоқе, байрам тадбирида «Энг яхши деворий газета», «Энг кўп адабиёт ўқиган китобхон»лар ҳам танлов ғолиблари сифатида аниқланиб, фахрий ёрлик ҳамда китоблар билан тақдирланишди. Байрам дастурхони атрофида тўпланган тингловчиларга институт ректори Ж.Йўлдошев ўзининг самимий тилаklarини изҳор этди. Шунингдек, куй, кўшиқ, рақс, шеърхонлик авжига чиқди. Кўнгилочар бундай тадбирларнинг албатта, тез-тез бўлиб тургани яхши. Чунки катта давралар кишиларни бир-бирига яқинлаштиради.

Х.ТҲЙМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири.

Суратларда: спорт шаҳарчаси очилиш ҳамда байрам тадбиридан лавҳалар.

Бурҳон РИЗО олган суратлар.

СПОРТ ШАҲАРЧАСИ

А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИдаги ўзига хос янгилик

даги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институтида барпо этилган спорт шаҳарчаси ана шу бир хилликка қисман чек қўядиган бўлди. Зеро, кишиларнинг яшаш тарзига қандайдир ўзгаришлар киритилганда, уларда ўз касби ёки хунарига нисбатан қизиқишнинг кучайиши, рағбатнинг пайдо бўлиши ҳаётда ўзининг тўлиқ исботини топган.

Сирасини айтганда, мазкур ўқув даргоҳида тингловчиларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш учун яратилган шарт-шароит ҳам таълимий, ҳам маиший жиҳатдан кейинги йиллар ижобий томонга ўзгариб бормоқда. Масофадан туриб ўқитиш маркази Осие тараққиёт банки билан ҳамкорликда ташкил этилиб, иш бошлаш арафасида турибди. Кутубхонадаги айрим ўқув адабиётлари учун медиатека ташкил қилиш мўлжалланмоқда. Институтнинг ўқув бинолари, санаторий-профилакторийси ва бошқа

ринчи гадаги вазифа. Уларнинг дам олиши, соғлиklarини тиклаши, пойтахтимиздаги музей, санъат кошоналари ва зиёратгоҳларга бориши ҳам муҳим. Энди эса бу ерга келган халқ таълими ходимлари учун спорт шаҳарчаси хизмат кўрсата бошлади. Халқ таълими вазирлиги кўрсатмаси ҳамда ажратган маблағи эвазига бунёд этилган шаҳарча мўъжазгина бўлиб, унда волейбол, бадмин-

ди. Бир томонда шахмат-шашка, бир томонда волейбол, бир томонда армрестлинг, бир томонда арқон тортиш беллашувлари... Асосан, ўз касби тақозо этган кундалик машғулоти билан банд бўлган тингловчилар мусобақага шу қадар киришиб кетдиларки, четдан туриб кузатган киши уларнинг ўзаро куч синашувини мириқиб томоша қилиши мумкин эди. Айниқса, мутахассислиги тур-

берилганда, рақибларнинг зўр бериб рақиб томонни ўзи ёққа тортишга уриниши ва бунинг уддасидан чиқиши ғолиблик белгиси...

Шундай қилиб, қизгин тус олган мусобақаларда қўли баланд келган жамоалар ва якка ғолиблар ҳам аниқланди. Уларни номма-ном келтириш анъанасидан қочиб, битта хулосани кўпчилик эътироф этишини биз ҳам таъкидлаб қўймоқчимиз:



ТИНИШ БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

14-сабоқ

Тиниш белгиларисиз бирор бир ёзувни тасаввур этиб бўлмайди. Чунки ёзув шартли белгиларга, яъни ҳарфларга асосланади. Ҳарф эса товушни ифода этади. Бирор фикрни ифодалашда тил ва нутқ бир бутун жараён сифатида намоён бўлса-да, уларнинг ифода бирликлари ўзаро фарқланади. Нутқда тиниш белгилари оҳанг воситасида акс этса, тилда эса улар алоҳида белги билан кўрсатилади. Шунинг учун ўқиш ёки эшитишдан кўра, ёзувда тиниш белгилари, айниқса, муҳим роль ўйнайди.

Ўзбек тилида ўнта тиниш белгиси мавжуд бўлиб, улар нуқта (.), сўроқ белгиси (?), ундов белгиси (!),

вергул (,), нуқтали вергул (;), икки нуқта (:), кўп нуқта (...), тире (—), қавс (), кўштирноқ («») лардан иборат.

Тиниш белгилари ёзма нутқни аниқ ва тўғри ифодалаш, уни ихчамлаш, сўзлар ва гаплар, умуман,

Yangi alifboni o'rganamiz

тил бирликлари орасидаги муносабатларни кўрсатишга хизмат қилади.

Тилда тиниш белгиларининг ишлатилиш доирасини куйидагича белгилаш мумкин:

- гапнинг бошланиши ва тугаланиши чегарасини, унинг мақсади-га кўра турини кўрсатади;
- матндаги гап бўлаklarини, унинг

турларини, шунингдек, ҳис-ҳаяжонли товланишларни акс эттиради;

— гапдаги оҳанг ўзгаришлари ва тўхталишларини кўрсатади;

— гапдаги қўшимча изоҳ, тўлдириш ёки фикрнинг давом этишини

билдиради;

— матндаги бирор қисмини алоҳида таъкидлаш, бирор сўзни кўчма маънода қўллашни кўрсатади;

— гапнинг турли синтактик-грамматик хусусиятларини акс эттиради;

— гапдаги ноаниқлик ёки тушириб қолдирилган ўринларни, қисқартмаларни ифодалайди;

— гапдаги ҳиссий бўёқлар-сўроқ, ундов, таъкид кабиларнинг бир вақтда келаётганини кўрсатади;

— фикрга асос бўлаётган кўчирма ва унинг манбасини билдиради;

— кўчирма гап ва муаллиф гапининг ўзаро муносабатини ифодалайди ва ҳоказо.

Тилимиздаги тиниш белгиларининг юқорида таъкидланган вазифалари ўзбек тилининг янги алифбосида ҳам тўлиқ ўз кучини сақлаб қолади. Кейинги сабоқларимизда тиниш белгиларининг ишлатилишини мисоллар орқали тасвирлаб борамиз.

Баҳодир СУЮНОВ,
Тошкент давлат юридик институти катта ўқитувчиси

ЭНГ ЯХШИ РУКН —

«Dunyo mamlakatlari»

Хозирги пайтда тезкор ахборотга эга бўлиш ҳамминг истаги. Янгиликка интилувчанлик давр, макон ва замон билан ҳамнафаслик маърифатли ва маънавиятли инсон бўлиш ниятидаги ёш авлодининг асосий вазифасидир.

Биз педагоглар «Ma'rifat» газетасида бериб борилаётган кўпгина мақолаларни қизиқиб ўқиб чиқамиз, уларни ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида муҳокама қиламиз. Тўғриси, бир муддат аввал ўқувчилар «Ma'rifat» газетасига шунчаки кўз югуртириб чиқар эдилар. Энди эса, уни интизорлик билан кутадиغان бўлиб қолишган.

Газета саҳифаларида «Dunyo mamlakatlari» рукни остида мунтазам бериб борилаётган турли давлатлар ҳақидаги мақолалар сингари чиқишлар бунга сабабдир.


Айниқса, ўрта умумтаълим мактабларининг X-XI синфларида тарих фанини ўқитишда бу мақолалар ўқитувчига катта ёрдам бермоқда. Давлатлар ҳақидаги энг янги маълумотлар, уларнинг аҳолиси, худудий

жойлашуви, иқлими тўғрисидаги қизиқарли далил ва рақамлар тарих, география, иқтисодий билим асослари фанларининг ўқитувчиларини бефарқ қолдирмаяпти. Олий ўқув юртига кириш иштиёқида бўлган, мактабни битириш имтиҳонларига тайёргарлик кўраётган ўқувчилар ҳам тахририят ходимларидан миннатдор.

Айрим давлатларнинг географик жойлашуви, ўша ерда яшаётган миллат ва элатларнинг удумлари, давлатларнинг пайдо бўлиш тарихи тўғрисида қисқароқ, умумийроқ маълумот берилиши ўша давлат билан яқинроқ танишмоқчи бўлган ўқувчини бироз қониқтирмаяпти.

Шунинг учун «Dunyo mamlakatlari» рукни остида мақолалар тайёрлаётган тахририят ходимлари бундан кейин юқоридаги фикрларимизни инобатга олишди, деган умиддамиз.

Раҳматулла ЧОРИЕВ,
Чирокчи туманидаги
153- мактабнинг ўқув
ишлари бўйича
директор ўринбосари

«Ma'rifat»ga
maktublar

Сўнги пайтларда «Ma'rifat» газетаси саҳифаларида талабаларнинг долзарб мавзулардаги чиқишлари кўзга ташланмоқда. Турмушнинг кўзга кўринмас, аммо офриқли нуқталари ёшларимиз назаридан четда қолмаётганлиги жуда ижобий ҳодисадир. Китоб ўқиш, чиқиндилар, сигарет чекиш, дискотека, тўй-ҳашамлар, кийиниш одоби каби қатор чиқишлари уларнинг атрофга теран кўз билан боқётганлигидан далолат.

Баъзан
кальку-

ТАЛАБАЛАРНИНГ
ТАЛАБЧАНЛИГИ

лятор ҳам ишлата олмайди-ган, олий билим даргоҳига шортиқда келади-ган талабаларни кўриб, уларга ачини-б кетсам, газетанда ижобий фикрлари билан танилиб бораётган талабаларнинг мақола, хабарларини ўқиб хурсанд бўлиб кетаман.

Тўғриси, биз талаба бўлган даврда ижодкор ёшларга эътибор берилмасди, уларнинг қобилиятларини рўёбга чиқаришга жуда кам одам қизиқарди. Хозир эса, билимдон ёшлар дунё кўриб, жаҳоннинг хоҳлаган мамлакатига таълим олиши мумкин. Бунга шарт-шароит яратилган.

«Ma'rifat»нинг ойлик танлови қаторига «Талабанин-г энг яхши ижодий иши» номинацияси қўшилганлиги эса, уларни янада янги куч билан изланишга даъват этади.

Талабаларнинг хур фикрга эгалиги, турмушнинг аччиқ бўлса-да, «ширин» ҳақиқати тўғри кўз билан муносабатда бўлиши биз муаллимларни ҳам қувонтирмоқда.

Дилбар НОРМУРОВОВА,
Термиз шаҳри Алишер Навоий номидаги
мактаб ўқитувчиси

ЯНГИҚИШЛОҚДА
ЯНГИ МАРКАЗ

Фориш туманидаги 33-мактаб қошида ўқитувчилар, ўқувчилар, экологик йўналишдаги ташаббускор гуруҳлар ходимларига мўлжалланган ўқув-услубий марказ иш бошлади.

Бу марказ Ўзбекистон ҳукумати, БМТ Тараққиёт дастури ва Глобал экологик жамғарманин-г «Ўзбекистонда биохилма-хилликни сақлаш модели сифатида Нурота-Қизилқум резерватининг яратилиши» дастури миқёсидаги «Экологик таълим ва жамоатчилик фикрини шакллантириш» қўшма лойиҳаси билан ҳамкорликда очилди.

Марказдаги она табиат, ўсимлик ва ҳайвотот олами, ландшафтлар, экологияга оид турли-туман маълумотлар, услубий қўлланмалар мактабларнинг ботаника, зоология ва биология фани ўқитувчилари учун мўлжалланган. Мавжуд маълумотлар, қўлланмалар дарсларни янада қизиқарли ва тушунарли ўтишга ёрдам беради.

Услубий марказ қошида тренинглари, семинарлар, дарслар, Нурота давлат кўриқхонаси ходимлари билан учрашувлар мунтазам равишда ўтказилиши режалаштирилган.

Марказда шунингдек, Нурота кўриқхонасида ўсадиған ўсимликлар ва у ерда яшайдиган ҳайвонлар тўғрисида батафсил маълумот, табиат манзаралари тасвирланган расмлардан иборат кўргазма Нурота кўриқхонаси ҳақида «сўзлайди».

Янги масканда ўтказилган биринчи дарсда 1,33,35,9,27,12,78,23-мактабларнинг ботаника, зоология ва биология фани ўқитувчилари қатнашдилар.

Қўшма лойиҳанин-г масъул ходими Элмира Алейникова бу марказнинг очилишига Фориш туманида ўтказилган «Она табиатни сақла-миз» мавзусидаги бола-лар расмлари кўргазмаси асос бўлганлигини айтиб ўтди.

Умида УМАРХЎЖАЕВА

Китоб туманида жойлашган 5-Меҳрибонлик уйида 110 нафар бола тарбияланади.

25 йилдирки, мана шу даргоҳда меҳнат қилиб келаётган, айни кунларда директорлик вазифасида ишлаётган 3 ёшидан 16 ёшигача шу ерда тарбия топган Тоштемир Сатторов бугун болаларга таълим-тарбия бериш билан бирга, уларга меҳр-муҳаббат кўрсатмоқда. Тоштемир Сатторовнинг турмуш ўртоғи Зайнабхон ҳам мазкур Меҳрибонлик уйининг

ли янги мактабнинг ишга туширилганлиги ва ётоқхона, синфхоналарнинг зарур жиҳозлар билан таъминланганлиги нур устига нур бўлди.

Бу ерда «Энг яхши синф», «Энг яхши ётоқхона», «Энг аълочи ва интизомли бола» каби тадбирлар, ҳуқуқ-тарғибот органлари ходимлари, маҳаллаларнинг кекса отахон ва онахонлари, турли машҳур кишилар билан тез-тез учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб турилади.

САХОВАТЛИ
ИНСОНЛАР КЎП

собиқ тарбияланувчиларидан бири.

Мазкур даргоҳда тарбияланаётган болаларнинг барчаси гўёки уларнинг ҳақиқий фарзандларидек. Айниқса, Тоштемир акага ҳар бир боланин-г юриш-туриши, одати, характери, қизиқишлари аён.

5-Меҳрибонлик уйини Мубо-рак нефт ва газ конлари бошқармаси, Шаҳрисабз консерва заводи, Шаҳрисабз ип-йигирув фабрикаси, хусусий фирмалар ўз ҳомийлигига олган. Улар Меҳрибонлик уйини таъмирлаш ишларини бажарадилар; болаларга кийим-кечак, озиқ-овқат, ўқув қуроллари ва адабиётлари, спорт анжумаларини етказиб бериб турадилар.

Яқинда болалар учун 150 ўрин-

Биз Меҳрибонлик уйи раҳбари билан суҳбатлашиб ўтирганимизда, хонага икки киши кириб келди. Улар Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида истиқомат қилувчи, асли шаҳрисабзлик бўлган эр-хотин Ойдиной Очилова ва Абдусамд Ражабовлар экан.

Уларнинг уч нафар фарзанди бор экан. Яна икки ўғил болани фарзандликка олишганлигини ҳам суҳбат давомида билиб олдик.

Ҳа, халқимиз меҳр-муҳаббатли, оқибатли халқ. Орзулари осмон бўлган, айни кунларда 5-Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болалар ҳам халқимизнинг бу каби хислатларидан бебаҳра қолмаяптилар.

Марям АХМЕДОВА

ҚИЗ БОЛА ГУЛДАЙ НОЗИК

Ҳаётнинг мураккаблиги, сир-синаотини кўриб, баъзан хаёлга толасан киши. Мактабда 35 йилдан ортиқ муаллимлик қилган бўлсам, ўтган даврлардаги собиқ ўқувчиларимнинг ҳаммаси ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди.

Айниқса, 13-14 ёшли ўқувчиларга синф раҳбари бўлиш ниҳоятда масъулиятли вазифа. Бу давр ниҳоятда нозиклиги сабабли, бировнинг боласи бу ёшдан эсон-омон ўтиб олармикан, деб доимо хавотирланардим. Балоғат бўсағасидаги болалар, айниқса, қизлар инжиқ, сал гапга хафа бўлиб қоладиган бўлишади. Уларнинг ички дунёсини билмаслик кўнгилсиз ҳолатларга олиб келиши мумкин. Юқори синф қизларида чиройли, гўзал кўриниш истаги билан бирга нозик туйғулар уйғона бошлайди. Йигитларнинг сирли нигоҳини илғайди, шеърини мактублар келишини кутади. Ҳадеганда йигитдан садо чиқавермас, ўзи пинҳона шеър ёзишни бошлайди.

Бир ҳодиса ҳеч эсимдан чиқмайди. Ҳамкасбимиз, 8-синф раҳбари ўқитувчилар хонасига фи-

ғони фалакка чиқиб кириб келди. Унинг бир қиз бола ўқувчиси уч кундан буён дарсга келмаётган экан. Қизнинг нега мактабга келмаётганлигининг сабабини эса, кейин билдик. Ўқитувчилардан бири қизга «нега дарс тайёрламайсан, йигитларни кўрганда ноз-карашма қилишни биласан-а» деб ноўрин танбеҳ берган экан.

Қиз боланин-г туйғуларини топташ, уларни ҳаммага ошкора қилиш ёмон оқибатларга олиб келиши бор гап.

«Хозир ёшим 35 да, ҳамон ёлғизман. Ўшанда 16 ёшда эдим. Синфимиздаги Собир деган бола менга илк бора севги хатини ёзди. Мен ҳам унга жавоб бердим. Шундай ёзишмаларимизнинг бири ўқитувчимизнинг қўлига тушиб қолиб, у киши бизни муҳокама қилиш учун синф мажлиси ўтказди. Собир иккимизни болалар ўртасида шунақаям уялтирдик, бу бир умр эсимдан чиқмайдиган воқеа бўлди. Шундан кейин онамга айтиб, қўшни қишлоқдаги холамларни-кига кетиб қолдим. Мактабни тамомлаганимдан кейин яхши хонадондан совчилар кела бошлади. Бир

йигитга унаштириб, ҳатто тўй кунини ҳам белгилашди. Лекин бир куни куда томондан кишилар келиб, «қизингиз мактабда бир йигит билан гап-сўз бўлиб, қўшни қишлоққа қочиб кетган экан» дея тўй бўлмаслигини айтиб кетишибди. Шундан кейин юрагим музлаб қолди. Ханузгача шу муз қалбимда қолган. Муаллиманин-г ноўрин битта ҳаракати, тақдиримни қоронғу қилиб юборган», дейди суҳбатдошим кўзларидан қайғуни яшириш учун, ерга қараб.

Муаллималар ўқувчи қизларга ўз фарзандларидек муносабатда бўлсалар, қизлар ҳам одоб-ахлоқ меъёрларини унутмай мактабга қатнасалар, юқоридаги каби нохуш ҳолатлар юзага келмайди, деб ўйлайман.


Ўқитувчилар балоғат давридаги қизларнинг туйғуларини хурмат қилишса, уларга танбеҳ эмас, тўғри маслаҳат, керакли йўл-йўриқларни берсалар, яхши бўларди.

Тўхтаҳон РАҲИМОВА
Наманган тумани
Шўркўргон қишлоғи

Саҳифани Шарифа МАДРАҲИМОВА тайёрлади.

Tavfiq Fikrat hayoti va ijodiy faoliyati bilan tanishmoqchi bo'lgan kishining oldida Turkiyada XIX asr oxiri, XX asr boshlarida yuz bergan ayrim jarayonlar bilan tanishishga ehtiyoj bo'ladi.

XIX asrning o'rtalarigacha faqat Turkiyada emas, butun turkiy olam she'riyatida aruz vazni hukmron edi. Gap faqat vaznda emas, butun she'riyat forsiy va arabiy so'zlar, iboralar bilan shu qadar to'lib ketgan ediki, uni o'qigan oddiy xalq gap nima haqda ketayotganini anglamaydigan bo'lib qolgan edi. Hatto, eng demokratik, eng xalqchil g'oyalar ham forsiy-arabiy so'zlar qurshovida bo'lgani uchun keng ommaga yetib bormasdi. Faqat adabiyotda emas, fanda, aniq ilmlarda ham shu holat hukmron edi. Buni to'la anglab yetgan turk ziyolilari avvalboshi barcha yangi zamonaviy fanlarni egallash va uni xalqqa yetkazishning samarali yo'llarini izlay boshladilar. Ko'plab turk ziyolilari Fransiyaga, Angliya, Germaniyaga borib, u yerlardagi madaniy jarayonlarni o'rganib kela boshladilar. Ilmiy darsliklarni yangiliklar va xalq tili bilan boyitish zarurligi yaqqol ko'zga



Qofiyada, ohanglarda butunlay yangi jilvalar yaratdi. Tarafdorlari ham, muxoliflari ham ko'p edi. Ammo u ham jurnalda, ham maorif sohasida ishlaydigan davom etar, o'z nuqtai nazarini qattiq turib himoya qilar edi.

1896-yilda "Robert-kollej"da turk tilidan o'qituvchilik qila boshladi. Ammo 1901-yilga kelib "Sarvat-i funun" jurnali yopib qo'yildi. Shundan keyin 1901-1908-yillar orasida u o'z qadrdon kulbasida yolg'iz yashadi.

Lekin 1908-yilda Mashrutiyat e'lon qilinish, Konstitutsion davlat qurilganda jurnaldagi sobiq izdoshi Husayn Johid chiqargan "Tanin" ("Sado") gazetasida ishladi. 1909-yilda Sultoniya maktabining boshlig'i bo'ldi. Lekin oradan ko'p o'tmay, u yerdan ketib, yana yolg'iz yashadi, faqatgina "Robert-kollej"da o'qituvchiligini davom ettirdi.

1915-yilda qand kasalligidan vafot etdi.

Tavfiq Fikratning ijodiy merosi haqida shuni aytish kerakki, birinchi she'rlari 1894-96-yillarda "Mirsad" ("Kuzatuvchi") va "Ma'lumot" jurnallarida, keyingilari "Sarvat-i funun"da e'lon qilingan. She'rlarida xalq hayotining og'ir zahmatlari haqida kuylardi. "Kasal bola", "Baliqchilar", "Opa" singari she'rlarida

BU — MA'RIFAT UYASIDIR

tashlanardi. Madaniyatda, adabiyotda islohotlar qilishga kirishildi. XIX asrning ikkinchi yarmida bu masala davlat siyosatiga aylandi. Adabiyotda, ayniqsa, she'riyatda aruz qoliplarini sindirishlar boshlandi. Dastlab chet el adabiyotidan namunalar, xususan, zamonaviy fransuz shoirlarining she'rlari tarjima qilindi. Keyin turkchadagi klassik aruz vaznlari turlicha aruz parchalari holida yangilana boshladi. Ammo tilni turklastirish ishi birmuncha sust borardi.

Bu itilishlarning natijalaridan biri shu bo'ldiki, 90-yillarga kelib "Sarvat-i funun" degan bir jurnal nashr etila boshladi. "Sarvat-i funun" degani "Ilm boyliklari" degan ma'noni bildiradi va bu jurnal o'z sahifalarida turk xalqini dunyodagi turli ilm-fanlarda yuz berayotgan jarayonlar bilan tanishtirib borar va xalq orasida borgan sari obro'-e'tibori oshib ketayotgan edi. Jurnal atrofida Sarvat-i funun jamiyati yuzaga keldi.

Sarvat-i Funun jamiyatining eng atoqli siymolaridan biri shoir Tavfiq Fikrat edi.

Tavfiq Fikrat 1867-yilda Istanbulda tug'ildi. 21 yoshida Galatasaroy litseyini bitirgandan so'ng Tashqi Ishlar idorasida maslahatchi bo'lib ishladi. Galatasaroy litseyining boshlang'ich sinflarida turk tilidan o'qituvchilik qildi. 1895-yilda o'g'li Xoluq tug'ildi. Aynan shu yildan boshlab "Sarvat-i funun" jurnalining adabiyot ishlari boshlig'i bo'ldi va atrofiga yangi yosh kuchlarni to'plab, jurnalni butunlay adabiy jurnalga aylantirib yubordi. Bu kuchlar endi turk she'riyatini faqat aruz qoliplaridan emas, adabiy-forsiy atamalardan ham tozalashga kirishdilar. Turk she'riyatiga sonet, tertina va boshqa shakllar bilan birga, toza turk atamaları havosini ham olib kira boshladilar.

Tavfiq Fikrat bu harakatning boshida turdi, ham o'z ijod namunalarini bilan, ham adabiy-nazariy fikrlari bilan butun turk adabiy jarayonini qizitib yubordi.

zo'ravonlik, zulm, ruhiy-axloqiy mahdudlikka qarshi chiqadi. Ayniqsa, uning "Siniq tor" nomli she'riy turkumi adabiy jamoatchilikning katta muvaffaqiyatiga sababchi bo'ldi va xalqning hurmatini qozondi. "Millat sharqiyi" ("Millat qo'shig'i") she'ri 1908-yilda Yosh Turklar harakati uchun inqilobiy madhiya bo'lgan edi. "Yana 95 yil", "Tuman", "Eski chog'lar tarixi" kabi she'rlarida insonparvarlik, xalqaro birodarlik, inson huquqlari g'oyalarini ilgari surdi. Tavfiq Fikrat yoshlarga murojaat tarzida yozilgan "Sharmin", "Xoluqning daftari" she'riy turkumlarida, bizning jadid adabiyotimizda bo'lgani kabi ma'rifiy masalalarni o'rtaga qo'yadi, o'quvchiga jamiyatni o'zgartirish va yaxshilash xalqning o'ziga bog'liqligini singdirishga harakat qiladi.

Biz shoirning "Sharmin" to'plamiga kirgan ayrim namunalar bilan tanishtirishga harakat qildik.

Miraziz A'ZAM

Tavfiq FIKRAT

TAQDIM

Uya shafqat uyasidir
Onalardir uni qurgan.
Lekin, o'g'lon, sening uyang
Bir ma'rifat uyasidir.
Uni qurgan ilm-fandir,
Buning qiymati balanddir.

Sev uyangni, u yerda san
Tengdoshlaring
bilan bahslash,
Sayra, o'yna, kurash-talash,
O'rganarsan. O'rganmasang
Bo'lolmassan hech baxtiyor,
Ortda qolib, bo'lursan xor.

Yur uyangga, yonsin yurak;
Bu — ma'rifat uyasidir
Ham fazilat uyasidir.
Unda fikring uyg'onajak;
Unda qanot ochajaksan,
Yuksaklarga uchajaksan.

KAMON

Otam sevar pianino,
Qattiq sevar onam kabi.
Men anglolmam uni ammo;
Menga katta og'am kabi
Ta'sir etar kamon sasi...
Do re mi fa — fa sol lya si.
Uning latif musiqasi...
Do, re, mi, fa —
fa, sol, lya, si.

Birda yig'lar ich-ichidan,
Birda kular qiqir-qiqir.
Og'am uyin tirqishidan
Eshitlar teran, og'ir
Hazin mumtoz musiqasi...
Do re mi fa — fa sol lya si
Oh! Bu teran kamon sasi...

Do re mi fa — fa sol lya si.
Og'am chalar, yaxshi chalar
Va menga ham o'rgatajak.
Unda ko'pdir kamonchalar,
Birini menga berajak;
Hammasining go'zal sasi...
Do re mi fa — fa sol lya si.
Qulog'imda taronasi...
Do re mi fa — fa sol lya si.

MALIKAMNING QO'ZISI

Har kimning bir o'yinchog'i,
To'pi, qo'g'irchog'i bor.
O'yinchog'i bo'lmaganing
Toycha, qo'zichog'i bor.
Na echkim bor, na takam,
Menga yetar Malikam.

Men singari u ham yetim,
Men singari maluldir.
Uning ham to'p, qo'zisi yo'q,
U ham menday yo'qsuldir.
Faqat unga men qarayman,
O'ynatishga yarayman.

Malikamga kecha qo'zi
Qildim latta-puttadan;
Uni shunday sevdiki u,
Quvar, qolmas ketidan.
Qo'zisini ko'rar ekan
Doim xursand Malikam.

Qilgan qo'zim qo'zilarga
O'xshamasa o'xshamas;
G'adir-budir bo'lsa hamki
Malikamga yoqar, bas.
Malikam kamtarin qiz —
Rozidir ne bersangiz.

Har kun tongda turib soydan
Bir quchoq o't keltirar,
Erkalatib, silab-siypab

Qo'zisiga yedirar.
U o't yerkan, bu o'tirar,
Tepasida "me"lab turar.

MOYCHECHAK

Bahor kelsa bezanadi
Tepalarning yaydoqlari,
Zumrad kabi o'tloqlari
Kelin bo'lib yasanadi
Kelin yuzli moychechaklar,
Oltin ko'zli moychechaklar.

Dalalarda bir yoqimli
Sariq, qizil, gunafsharang
Gullar ko'payar rangbarang;
Lekin menga eng go'zali
Kular yuzli moychechaklar,
Oltin ko'zli moychechaklar.

Yaproqlari jimjimali;
Bu ham ayri bir go'zallik.
Tani paxmoq, bo'yni nozik;
Ham go'zal, ham karashmali
Kelin yuzli moychechaklar,
Oltin ko'zli moychechaklar.

Shamol esar: goh u yonga,
Goh bu yonga egiladi,
Teng boradi, teng keladi
Rohat berarlar insonga
Kular yuzli moychechaklar,
Oltin kuzli moychechaklar.

BAHOR XALFA

Bahor... bahor... hatto oti,
Otining ham bo'lak toti,
O'xshamaydi boshqa otga,
Sevimlidir har bir zotga.
Quyosh chiqqan
qutlug' yerdan

Kelar emish; ko'rganda man
Dedimki: — Bu quyosh qizi,
Quyoshning oltin yoldizi...
Porillagan kokilida,
Yonoqlarining gulida
Qizil rangli bir quvonch bor,
Moviyo ko'zlari baxtiyor.
Bahor — xalfa gul yonoqli,
Qirmizi g'uncha dudoqli
Quyosh qizi... shuning uchun
Insonni aylaydi maftun.

...
Men u gulni bulbul derdim
So'z aytguvchi
bulbul bo'lsa...
To'qaylarday sochlari bor;
Men ularni sumbul derdim
Agar oltin sumbul bo'lsa.

YOZ YANA

Quyosh, bilmam,
qizdi kimga;
Olov purkayotir yana.
O'roq qo'lida Yoz ena
Suv bo'yiga ketayotir.
O't manglayi ter ichinda,
Yuzi olovlar ichinda,
Lov-lov yonar,
bir gap desang,
Qon otilar ko'zlaridan.

...
Quyosh unga tegdimikan,
Bilmam, ne bo'ldi?
Ketarkan
O'rog'in otdi qo'lidan,
Ne bo'ldi deng bu yog'iga?
Tushdi u soy qirg'og'iga...

Chinor shoxi, chinor shoxi,
Pana qil sho'rlikkinani;
Keldi senga qo'shni deya,
Kuchlantirgil Yoz enani.

ARI CHAQAR!

Derazada katta ari
Halqa-halqa, qora-sariq;
Bukur belin chiqargancha
Hamda tamburin chalgancha
Aylanardi, aylanardi,
Tash chiqmoqqa
shaylanardi.

— Shunga bir ip uzatayin,
Ne qilarkin, kuzatayin!

— Qoch, ey bola,
ari chaqar;
Ignasidan zahar oqar;
Achchig'iga chidab bo'lmas.

Bu gap qulog'iga kirmas.

Biz ham sal-pal
mug'ombirmiz;
U zaharni suqquncha biz
O'zin bog'lab olamiz tez...
Qarang, ipimiz tap-tayyor,
Bir uchida sirtmog'i bor.
Qani, qani, beri kel-chi,
Nima bo'lishingni ko'r-chi...
Voy-dod, oyi! Keling, oyi!
Qarang, mana, chaqqan joyi!
— Nima bo'ldi, nima bo'ldi?
— Hayvon, meni chaqib oldi.
— Ajab bo'пти, dema g'ing,
Tilaganingni olding.
Endi qilma diydiyo,
Senga aytmadimmi yo:
"Qoch, ey bola, ari chaqar
Ignasidan zahar oqar!"
Shishib chiqar

yuzing-ko'zing,
Xalqqa ko'rin endi o'zing!
Birovga so'z aytolmassan,
Maktabga ham ketolmassan.
O'ynalmasdan uyda o'tir,
Yaramasning holi shudir!

Miraziz A'ZAM
tarjimalari.

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида.)

СЮРПРИЗЛАР

Темир дарвоза оғзида юқларимни машинадан туширарканман, дарчани очиб чиққан Менгтурди илиққина жилмайди-да, йўлкада... туриб қолди: бу ёққа ўтиш йўқ, ҳолаҳвол сўрашиш ҳам йўқ. Охири китобларни ҳам юқхонадан олиб ерга қўйгач, чиқолмадим:

— Ҳой, эшак мингандаям бошини ушлаб турадилар. Баққа ўтсангиз-чи? Нима бўлди? — деб сўрадим.

Менгтурди эса ортига бурилиб, шундай шанғиллаб юбордики, чўчиблар тушдим.

— Менгзия-я! Келмайсанми энди! Э, пиёниста... — Сўнг шошиб бу томонга ўтди ва “такси”сининг олд ойнасини артаётган ҳайдовчига бир нималар деб гапира бошлади.

Чўнтагимни кавлаётганимда, Менгзия ҳам дарчадан чиқди. Эгнида эскигина банорас чопони, соқоли ўсинқираган, қуралай кўзлари филтиллаб турарди.

риқа ўзбек халқининг кўпайишига-ям ҳисса қўшаман!

— Менгзияёжон, таксини...

— Таксини... Менга қаранг, ака! Сиз... кечирасиз. Менгтурди, квартира тайёрми?

— Тайёр дедим-ку! Дейишди, — деб бўғилди-қизарди Менгтурди ва менга қараб давом этди: — Маҳкам дегани бор-ку? Йўқ, Маҳмуд... Буларнинг қайси бири Абдулла Орипов билан яшайди? Пушкин боғининг орқасида.

— Маҳмуд. Маҳмуд Саъдинов деган йигит... Нима, у билан гаплашдингизми?

— Гаплашдим-да,— деди Менгтурди. — Кеча эрталаб топиб бордим. Менгзиялар азонда келишган эди... Олдин Лабзакдаги квартирангизга бордим. Усмон акани топдим. У кишиям уй эгасининг қизига уйланаётган экан. Шундай-шундай дедим. “Ўғлингиз Гамлетга уй топиш керак”, дедим. У киши “Абдулла Ориповлар томонда бўш квартиралар сероб”, деб, йўлни кўрсатиб қўйдилар.

— Тушундим, — дедим. — Демак, менга...

— Менгзия... — Менгтурди машинага ишора қилди.

— Ҳа. Шукуржон, бизнинг гапимиз адо бўлмайди... Токи бу дунёни тарк этгунга қадар. — Сўнг шошиб, сигарет тутатиб олди. — Афсус, Кўшжонов домла тўйда бўлмайдилар-да. Журъатим йўқ айтишга... Шукур Бурҳон — сама сабой! Сиз — бахтлисиз, Шукур!

— Бўлди. Тўйнинг вақтини билсам...

— Билдираман! Ўзим бориб айтаман... Ҳей, калтакесак, нимага анқайиб турибсан! Шукурнинг кўрпа-тўшагини обчиқмайсанми? Ҳов, оғажон. Шопир ака, илтимос-да...

— Йўқ, бемалол, — деди кекса ҳайдовчи. — Бундай вақтда хизмат қилишимиз савобгаям ўтади.

— От-тангизга раҳмат!

ДАВОМ ЭТАМИЗ

Бу ердаги кўрпа-тўшак, китобларим ортилган “Волга” ҳадемай Хадра майдонини четлаб бориб, Пушкин боғининг ўнг томонидан ўтадиган йўлга тушди: собиқ ижора-

Маҳмуд Саъдинов. — Меҳмон келди! Бўлажак ўғлингизни обкелдим!

Лўмбиллаган бу беғараз йигит шу тобда менга жудаям ёқиб кетди. Кўриниб турибди: уй бекаси билан мен тўғримда хўп гаплашиб, ҳатто келишиб қўйган.

Шу боис, ҳали таксидан молмулкимни бемалол тушириб олганини идрок этдим.

Уйдан қотмагина, эскигина духоба нимча кийган онахон чиқиб келди.

— Хуш кўрдик, Маҳмуджон!

Кўришдик, сўрашдик. Онахон менга синовчан боқиб, бошдан-оёқ разм солиб, шундоқ қаршимиздаги ойнабанд уйчага бошлади. Кирдик. Кичкина, шинамгина хужра экан. Афтидан, бир замонлар олди очик айвонча бўлган-у, кейин ойнабанд уйчага айлантирилган эди. Тўрда яланг симкаравот. Кираверишда — бурчакда тунука печка бор, унинг кажарнайи деразанинг куйи кўзидан ташқарига чиқарилган эди.

— Бўлади. Раҳмат, онахон, — дедим.

— Лекин бир-икки шартим бор,

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

НАВБАТДАГИ СЮРПРИЗ

Боғдан чиққанимизда кийим-бошим анчагина гижимланиб қолгани, кўйлакнинг ёқаси ҳам, табиийки, аслидай эмаслигини бировларга қараб англадим ва:

— Жуда сирли бўп кетяпсизми, Маҳмуд? — дедим. — Эртага борсам ҳам бўларди-ку университетга?

— Шундоқ ҳам икки кун кечикиб келдингиз, ўртоқ ёзувчи, — деди Маҳмуд одатдагича ишшайиб. — Бу орада ақлингизга сиғмайдиган ишлар бўп кетди!

— Масалан? Домла тинчмилар?

— А-аа, — деб кулди у. — Тинчийдиган бўлдилар энди! Бугун, яъни, ҳозир... ярим соатдан кейин университет билан буткул хўшлашадилар. Ҳозир деканатда йигин бўлаяпти... Шошманг! Ижод бобидаги энг муҳим ўзгариш эса мана шу папкада турибди. Ўқишга бераман. Мақола. Кейин университет

БУ КИШИМ — УСТОЗ, МЕН — ШОГИРД

— О, менинг буюгим! (Исматнинг сўзи...) Хуш келибсиз, азизим! Қадрдон! Қани, бир кўришайлик.

Кўришдик ҳам. Менгзия менинг шарафимга яна аллақанча мақтов, соғинч сўзларини айтди. Ниҳоят, Менгтурдига тикилиб қолиб:

— Нимани гаплашдинг? Кетса кетаверсин! Бабулянинг уйдан телефон қиб такси чақирамиз... — деди.

— Йўқ, нима бўлди ўзи? Нималар бўлаяпти? — деб ҳайдовчини четга имлаб чекиндим. Ортимдан бостириб келган Менгзияга эътибор қилмай таксичига келишилган кира пулини узатганимда, миямга бир нима урилди: Менгтурди менга қарашмади, ахир. Келганимни хушламагандай кўринди... — Ака, тўхтаб туринг, илтимос, — дедим таксичига. — Бир минут! Мени ё Пушкин боғи томонга, ё Хотин кўприк томонга олишингиз мумкин!

— Пушкин, Пушкин, — деди шунда Менгзия ва ҳамма нарса тушунарли бўлди гўё.

“Гўё”ни ҳақиқатга айлантисам, шундоқ маънолари бор экан: нима дейсизки, Менгзиябой Сайёрахонга уйланадиган бўлибди. Бу ишни шу қадар тезлаштиришибдики, шу тобда хоналаримизда Менгзиянинг аммалари лош-луш, сарпо-марпо ва қалиннинг бир улушини обкелиб ўтиришган экан. Яъни, улар совчи бўлиб келишган, тўғрироғи, Менгзия уларни ўзи билан бирга олиб келган экан.

— Шунанга бўп қолди, қадрдон, — деб негадир кўзлари ёшовради дўстимнинг. — Уйланиш керак экан! — деб хитоб қила кетди кейин. — Вақтида уйланмоқ керак экан! — Кейин бирдан қаҳ-қаҳ отиб кулди-да, овозини пасайтирди: — Аммам айтадики, ҳозирнинг ўзида учта — уч нафар боладан қолган эмишман. Ваҳ-ха-ха... Бола-а! Бола кўраман, албатта! Биз оилада камчил эдик. Мен кўпай-ти-ра-ман! Шу та-

— Ҳа, энди, Сайёра билан Менгзия шу ерда яшайдилар.

— О, азизим!

— Менгзия, жим турун... Бўлмасам мен шу такси билан кетаман, — дедим.

— Сизнинг кўрпа-тўшақларингиз, китобларингиз...

— Уларниям бир йўла опкетаман, — дедим. — Абдулла бир кун жой бериб турар...

— Квартира тайёр деяпман-ку! — деди Менгтурди. — Ўша Маҳмудми, Маҳкамми: “Шукур келиши билан бу ёққа бошлаб келаверинг”, деган!

— Ўзим бораман.

— Шукуржон, хафа бўлиш йўқ. Ахир, мен ўзим... ўзим сизни шундай мошинага босиб опкелганман-ку бу ерга... Лекин, на чора! — Кейин менинг елкамдан кучди. — Биз уч ойча яшаймиз бу ерда, — дея давом этди. — Кейин экспедицияга кетамиз! Сурхонга! Далварзентепага! Кушон императорларининг саройига... Ўлик шаҳарга. Вайроналарга!

— Хўп-хўп. Мен тушундим, Менгзия.

— Тўйда тў-ўрда бўласиз! Ёнимда... Соғиндим мен, соғиндингму? Ай, Шукур-а, Бойсунга кетаётганингизда сизни кузатолмай қолувдим. Музейдан келгунимча кетиб бўлган экансиз... Китобни, “Оқ отли”ни олдим, олдим, азизим! Ҳмм, ҳали гаплашамиз у тўғрида... Ёшлар ҳақида-да... Мен ёшимга нисбатан қар-ри одамман... Айтмоқчи, вечерга Саида билан келасиз. Офелия билан! Сайёра танишмоқчи... Улар иккови ҳам — истисно инсонлар, Шукуржон! Бахтимиз бор, омадимиз ҳам... Сайёра мен билан Термизга кетмоқчи. “Сиз қаерда бўлсангиз, мен ҳам ўша ерданман”, деди. Кўзларимдан ёш чиқиб кетди... Холбуки у — Тошканнинг азиз-арзанда фарзанди. Битта акаси ИЛ—18ни ҳайдайди. Учувчи...

шин квартирамга ҳам машинада фақат шу йўл билан бориш мумкин эди. Пиёда бўлсам, боғни кесиб ўтардим.

Анҳор ёқалаб боряпмиз. Кўпинча буғланиб турадиган наҳр ҳозир сокин ва тиниқ. Қирғоқдаги заъфарон қамишлар қандайдир сирларини ошкор қилаётир-у, улар кўздан панададек туюларди.

Ай, шу ерларгаям меҳрим тушиб қолган экан!

Қолаверса, бу жойлар нималари биландир Хотин кўприк жарлигини ёдга туширарди...

Ажабо, бўрини йўқласанг — кулоғи кўринади, деганлари ростов. Чап кўлда — анҳорнинг у бетиде жойлашган чойхона яққол кўриниши (ҳаво очик, чошгоҳ қуёши чараклаб турарди) замон унинг олдидан боғ томонга физиллаб ўтиб бораётган таниш киши ҳам кўринди. Қўлтиғида қалин жилд, эгнида юпунгина пальто, боши очик. Шакшубҳасиз у — Маҳмуд Саъдинов эди.

— Ака, кўприкка буриб тўхтатинг, — дедим шофёрга. — Анаву бош-яланг бизга керак!

— Э, ўша киши! Ўша йигит — мен айтганим, — деди орқада ўтирган Менгтурди ҳам.

... Хуллас калом, Менгтурдининг уй ҳақидаги гаплари рост экан. Маҳмуд Саъдиновлар топган квартира худди шу чойхонанинг у ёғидан ўтадиган торгина халтакўчаннинг охирида — усти ёпиқ йўлакдан кириладиган кафтдеккина ғариб ҳовлида экан: мен дарҳол мамнун бўлдим — илло Абдуллажонлар турадиган уйча шу кўчага кираверишда қолганди. “Илоҳо, бир кишилик уйча бўлсин-да”, деб ўладим, холос.

Чап тарафдаги пешайвонсиз узун иморатнинг очик деразасидан Фахриддин Умаровнинг кўшиғи эшитилар эди.

— Ая! Ойи-и! — лаб чақирди

— деб кулимсиради онахон. — Биринчидан, бу ерга қиз обкелмайсиз!

— Қиз? — ҳайратланиб сўраганим ҳолда хаёлим Саида—Офелия гамгингина жилмайган ҳолда кўриниш берди ва оғзимдан шундай сўзлар чиқиб кета бошлади: — Уйланадиган қизим бўлса-чи? Ахир, ҳолимдан хабар олиши мумкин...

— Бу — бошқа гап, — ҳамон жилмайишини қўймай давом этди уй бекаси. — Лекин шундаям кундуз куни келса, майли.

— Албатта, албатта. Нега энди кечаси келар экан...

Орада кулги кўтарилди ва онахон навбатдаги шартини айтди:

— Кўмир, кўмир обкелишингиз керак, болам. Бизнинг кўмир ўзимизга зўрға етади. Ўғлимнинг совуққа тоби йўқ...

— Бу томонларидан хотиржам бўлинг, ая, — деди Маҳмуджон. — Иложи бўлса, бугун кўмир туширамиз... Лекин биз ҳозир шошиб турибмиз. Университетга боришимиз керак. Эртадан ишга тушамиз. Ҳе, кўчада нима кўп — кўмир ортиб, харидор излаган машиналар кўп... Қани, Менгтурди дўстим, нарсаяқарани киритайлик эса. Майлими, онахон?

— Албатта-албатта.

— Шукуржон, уларни жойлаштириш кейин бўлади... Ана, лампочкаям керак экан. Ойижон, ҳалиги столниям обкирамиз. Бўлмасам ёзувчи дўстимиз ишлолмай қолади...

Беш-ўн дақиқадан кейин биз учовлон Пушкин боғини оралаб кетиб борардик. Кўп жойларда қор эриб битган, қорайиб қолган дарахт шохларида таниш қарғалар қағиллар, атрофдан баҳор ҳиди келарди.

Шунда қаттиқ ҳис қилдимки, бу манзиллар ҳам менга қадрдон бўлиб қолган экан.

илмий советида эмас, Ёзувчилар Союзининг проза сексиясида муҳрама қилинади. Айтмоқчи, “Зарбулмасал” ҳақидаги мақолани ўқигандирсиз? Газетада чиқди. Шу иш охириги нуқта бўлди. Бугун кафедра домлага қарши турган.

— Ҳа энди, буни тушунаман, — дедим.— Лекин попкангиздаги нима? Қанақа мақола у?

— Э-э, барибир бандаи ожиз эканмиз-да, — у ҳафсаласизлик билан хўрсинди. — Бекор олган эканман, кўнглим ғаш бўлди... — Сўнг шошиб гапира кетди: — Шукуржон, сиз ҳам билмайсиз, домланинг кўпчилик мақолаларини мен таҳрир қилиб бераман. Баъзан ўрисчадан таржима қилиб ҳам бераман. Домла ўрисча ёзган бўлса... Буниям яхши ният билан олган эдим.

Афтидан, бизнинг гурунг зериктирган Менгтурди шунда айтиб қолди:

— Мен қоламан, Шукуржон. Троллейбусга ўтириб кетаман.

— Ҳа, сизга бу ўнғай, — дедим.

Дедим-у, у ошиғич жилиши билан “Гамлет” ҳақида сўрамаганим, умуман, “Гамлет” эсимга тушиб кетди. Сўнгра унинг ҳам кеча ё ўтган куни юртдан келганини идрок этароқ, барибир жўяли бир янгилик ололмаслигимдан тасалли топдим.

Шунда денг, Маҳмуд шошапиша, ҳатто жаҳл билан сариқ чарми ултонга ўхшаб қолган жилдини очиб, салмоқлигина кўлөзмани олди-да, менга тутиб силкитди.

— Мана, кўринг домланинг ишини! Сарлавҳасини ўқисангиз, бас. Қирқ бетдан ошади! Ўқинг-ўқинг!

— Кўлимга беринг, мусулмон!

— Мана... Хоҳласангиз, мазмунини айтиб беришим мумкин. Юринг-юринг. Шундоқ ҳам кечга қолдик. Мен буни домлага топширишим керак. Ҳозир...

— Қизиқ.

(Давоми бор.)

**ТЕРРОРГА ҚАРШИ
КУРАШИШНИНГ ЯНГИ
КОНЦЕПЦИЯСИ**

Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясида нутқ сўзлаб, бугунги кунда терроризм Ер шарининг барча мамлакатлари учун бирдек хавф туғдириб, дунё ҳамжамиятига уруш эълон қилганлигини таъкидлади. Ташқи ишлар вазири курашнинг янги етти концепцияси ҳақида гапириб ўтди. Россиянинг фикрича, биринчидан, дунё мамлакатлари террорчиликка қарши курашни биттама-битта эмас, балки бирлашган ҳолда, яъни коалицион усулда олиб бориши керак. Иккинчидан, амалдаги қонун-қоидаларни янгитдан қараб



чиқиб, жазоларни кучайтириш мақсадга мувофиқ бўларди. Учинчидан, ҳар қандай террорчиликда айбланаётган

кимсаларга ёки уларга алоқадор шахсларга ҳеч қайси давлатда бошлана берилмаслиги керак. Тўртинчидан, умумқиргин ва ядро қуролларининг террорчилар қўлига тушмаслиги тўлиқ таъминлини шарт. Бешинчидан, Афғонистондаги наркотик ва бошқа гиёҳванд моддалари етиштирилишига қаршилик қилиш зарур. Чунки ҳеч қандай сир эмаски, терроризмнинг асосий молияланиши айна шу ердан келиб чиқади. Олтинчидан, динда ақидапарастлик ва фанатизмга йўл қўймаслиги керак. Еттинчидан, терроризмга қарши курашаётган давлатлар коалицияси БМТ билан келишилган ҳолда иш юритиши лозим.

**ХИТОЙ ЭКОЛОГИК ИНҚИРОЗГА
ЮЗ ТУТМОҚДА**

Хитой яқин йиллар ичида экологик инқирозга учраши мумкин. Бу ҳақда Хитой табиати муҳофиза қилиш ва экология ишлари бўйича бош раиснинг муовини Пан Юэ хабар берди. Унинг айтишича, охириги 10 йил ичида Хитой иқтисодий барқарорлик сари қадам қўйди. Иқтисодийнинг жадал суръатлар билан




ривожланиши, корхона, завод ва фабрикаларнинг атмосферага ҳаддан ташқари чиқараётган чиқиндилари атроф-муҳитга анчагина зарар келтирган. Ҳозирги кунда Хитой ҳавонинг ҳаддан ташқари заҳарланиши ва ичимлик сувининг етишмаслиги каби муаммолар билан тўқнашиб қолган. Бундан олдинги тарғибот ишлари ва жамоатчилик билан бўлган мулоқотлар ҳам ўзини оқламади.

Эндиликда биз курашнинг янги усулини қўллашга мажбур бўлдик. Ҳукуматимиз бу борада янги қонунларни қабул қилишга қарор қилди. Экологияни ҳаддан ташқари бузаётган корхоналар қонун олдида жавоб бериши керак, — деди Пан Юэ.

**ПАРИЖДА КАТТА КЎРГАЗМА
ОЧИЛДИ**

Франциянинг пойтахти Парижда ҳар икки йилда бир мартаба бўлиб ўтадиган йирик автокўргазма ўз ишини бошлади. «2004 — Mondial de L'Automobile» кўргазмасида дунёнинг энг номдор автоуловларини ишлаб чиқарадиган ширкатлар қатнашмоқда. Кўргазмани ёритиш учун дунёнинг 90 мамлакатидан 10 минг нафар журналист етиб келди.



Франциянинг пойтахтига 1,5 млн.га яқин автоулов шинавандалари йиғилишди.

Мажмуанинг 8 та кўргазма майдонида 500 дан ортиқ автоулов ишлаб чиқараётган корхоналарнинг янгиликлари жой эгаллаган. Ушбу автомобиллар байрами Европада энг катта ва тантанавор тарзда ўтказилади. Дунёнинг энг қimmat машинасида тортиб, энг оммабop ва арзон автоуловгача томошабинларга тақдим этилди.

Интернет манбалари асосида Сарвар САИЁР ўғли ва Махбуба КАРИМОВА тайёрлади.

Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонасида Бирлашган Қиролликнинг 16 та йирик хайрия ташкилоти вакиллари иштирокида мамлакатимиз хайрия ташкилотларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Унда «Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилиги болалар жамғармаси васийлик кенгаши раиси Л.Каримова қатнашди. У «Сен ёлғиз эмассан» ва «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармалари фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи мультимедиа материални намойиш этди. Маросим иштирокчиларига мамлакатимизда амалга оширилаётган хайрия фаолияти

рини мамлакатимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан боғлиқ масалани муҳокама қилишни тақлиф қилди.

«Биз тез кунларда Ўзбекистонга ташриф буюриб, ижтимоий муҳофазага муҳтож, серфарзанд оилаларга маслаҳат бериш хизматини йўлга қўйиш имкониятини муҳокама қилмоқчимиз», — деди болаларга кўмак бериш соҳасида ихтисос-

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЙРИЯ ҲАРАКАТИНИНГ
ЛОНДОНДАГИ ТАҚДИМОТИ**

ва ҳаётга тадбиқ этилаётган лойиҳалар ҳақида сўзлаб берди, йиғилганларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

Қирқ йилдан кўпроқ тарихга эга «British East-West Center» хайрия ташкилоти директори лорд Кромвель Ўзбекистон хайрия ташкилотлари фаолиятига юқори баҳо берди. У тақдимот маросими икки мамлакат ноҳукумат хайрия ташкилотлари вакиллари учун бевосита алоқалар ўрнатиш, фикр алмашиш ва қўшма лойиҳалар белгилаш учун қулай имконият яратганини ҳам таъкидлади.

Ўзбекистон билан бир неча йиллар давомида ҳамкорлик қилиб келаётган «Eye Contact» ташкилоти раҳбарлари Адриан ва Жанет Стеннардлар мамлакатимизнинг кўзи ожиз болаларига ёрдам беришда давом этиб, ҳамкорликни янги самарадор даражага кўтаришга умид қилаётганликларини айтишди. Улар «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси билан кенг ҳамкорлик ўрнатиш ниятида эканини изҳор қилишди ва Ўзбекистон томонига кўриш қобилияти чекланган кишилар учун мўлжалланган «Брайль» ёзув машинала-

лашган «Everychild» хайрия жамғармаси вакили Ричард Картер «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюда. У ушбу лойиҳага ЮНИСЕФ болалар жамғармасини ҳам жалб этиш режалаштирилаётганини айтди.

Ташриф дастури доирасида «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси вакиллари Бирлашган Қироллик ноҳукумат хайрия ва жамоатчилик ташкилотлари раҳбарлари, жумладан, «Оксфам» йирик хайрия ташкилотининг Шарқий Европа бўйича директори Адам Лич, «World Vision» хайрия жамғармаси васийлик кенгаши аъзоси Алан Белл, «Sainsbury Family Charities» жамғармаси раҳбари Сейнсбури хоним, «Буюк Британия-Ўзбекистон» жамияти президенти сэр Тимоти Сейнсбури ва ушбу жамият раиси Хартли Бут билан учрашувлари бўлиб ўтди.

Британия томони «Сен ёлғиз эмассан» жамғармасининг меҳрибонлик уйларидаги болаларга таълим-тарбия беришни такомиллаштиришга қаратилган дастурларига катта қизиқиш билдирди. Ўзбеки-

стон томонига Буюк Британия хайрия ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, ҳамкорлик қирралари ва ўзаро мулоқотни Тошкентда давом эттириш масалалари муҳокама қилинди. Республикаимиз пойтахтида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари, етим болалар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги қўшма лойиҳалар уйғунлаштириб олинди.

Ўзбекистон вакиллари «Founding» етимхонасига ташриф буюришди, Буюк Британиядаги етим болалар турмуш ша-

роити ва тарбияланиш имкониятлари билан танишишди.

Ўзбекистон ноҳукумат нотижорат хайрия ташкилотларининг Буюк Британиядаги тақдимот маросими инглизларга Ўзбекистондаги хайрия фаолияти ва ижтимоий дастурлар кўлами ҳақида биринчи марта батафсил маълумот олиш имконини берди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Буюк Британияда Ўзбекистондаги хайрия ҳаракатини тақдим қилган «Сен ёлғиз эмассан» ва «Соғлом авлод учун» жамғармалари ҳамдўстлик давлатлари хайрия жамғармалари орасида биринчи бўлиб Бирлашган Қиролликда бундай тадбирни амалга оширишди. Бу эса Британия вакиллари томонидан мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва ноҳукумат ташкилотларининг амалий ривож топаётганини тасдиқловчи далил сифатида қабул қилинди.

Бўлиб ўтган учрашувлар ва музокара-ларнинг самараси ўларoқ, томонлар кейинги йилнинг биринчи ярмида Тошкентда Буюк Британия хайрия ташкилотлари вакиллари иштирокида амалий анжуман ўтказишга келишиб олдилар.

«Жаҳон» АА

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Маънавият» нашриёти фанларни тўлақонли ўқитишда яқиндан ёрдам берадиган қуйидаги ўқув плакатларини сотувга чиқарди:

ОНА ТИЛИ. 20 кўринишда, рангли, бичими 60x84 см.
Бир комплектнинг баҳоси 11350 сўм.

АЛГЕБРА. 20 кўринишда, рангли.
Бир комплектнинг баҳоси 11350 сўм.

ГЕОМЕТРИЯ. 20 кўринишда, рангли.
Бир комплектнинг баҳоси 11350 сўм.

ЗООЛОГИЯ. 20 кўринишда, рангли.
Бир комплектнинг баҳоси 11350 сўм.

ФИЗИКА. 20 кўринишда, рангли.
Бир комплектнинг баҳоси 11350 сўм.

ИНФОРМАТИКА. 10 кўринишда, рангли.
Бир комплектнинг баҳоси 5775 сўм.

Барча плакатларга осиб қўйиш учун қулай мослама қилинган. Ушбу ўқув плакатларини пул ўтказиш ёки нақд пулга харид қилишингиз мумкин. Улгуржи харид қилишни хоҳлаган харидорларга чегирма (скидка) берилади

**Манзил: Буюк Турон, 41. «Маънавият» нашриёти.
Телефонлар: 136-58-99, 136-57-33, 41-53-01.**

**ШАНХАЙ
ҲАМКОРЛИК
ТАШКИЛОТИ
АМАЛДА**

Бишкекда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар Ҳукуматлар раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги муҳофаза қилиш бўлиб ўтди. У ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг шу йил 17 июнь куни Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида эришилган шартномалар бажарилишининг мантиқий давоми бўлди.

Мажлисида ШХТ доирасида савдо-иқтисодий, сарможавий, транспорт, табиати муҳофаза қилиш, гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Ҳукуматлар раҳбарлари олти давлат вазириликлари ва идораларининг ШХТ доирасида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш борасидаги саъй-ҳаракатларини ижобий баҳолашди.

Ҳукуматлар раҳбарлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини бажариш тадбирлари режасини тасдиқлашди. У иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар соҳалардаги ўзаро ҳаракатларнинг муҳим йўналишларини қамраб олган. Режа юздан ортиқ аниқ лойиҳалардан таркиб топган ва уларни босқичма-босқич амалга ошириш механизмларини назарда тутди.

Ҳукуматлар раҳбарлари ташкилотнинг Тараққиёт жамғармаси ва Ишбилармон кенгашини тузиш ҳамда интернет тармоғида ШХТ веб-сайтини очиш тўғрисида қарор қабул қилишди.

ШХТга аъзо давлатлар Ҳукуматлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисини кейинги йил иккинчи ярмида Москвада ўтказишга келишиб олинди.

**Баҳодир МАМАЖОНОВ,
«Жаҳон» АА.**

Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти жамоаси институт катта ўқитувчиси Рихси Алматовга онаси **Турсуной аянинг** вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани халқ таълими бўлими жамоаси ТХТБ мудири Бектурди Собировга онаси **Жумагул ая СОБИРОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги ТДПУ ректорати, жамоат ташкилотлари ҳамда ўзбек тили ва адабиёти факультети ўқитувчилар ва талабалар жамоаси «Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси» кафедрасининг катта ўқитувчиси Давлатёр Жумашевга акаси **Сафарбой ЖУМАШЕВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.


ТОШКЕНТ МОЛИЯ ВА ИҚТИСОДИЁТ КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

**Мамлакатимиз таълим тизимининг барча
бўғинларида фидокорона меҳнат қилиб келаётган
азиз устозларни**

**1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни
умумхалқ байрами билан самимий
муборакбод этади!**

*Серқуёш диёримизда ёш авлод таълим-тарбияси
билан шуғулланишдек ҳам шарафли, ҳам
машаққатли меҳнатингиз ҳамиша эл-юрт
олқишига сазовор бўлсин! Баркамол авлодга касб
ва билим чўққиларини эгаллашлари учун қанот
бағишлаш йўлида барчангизга зафарлар тилаймиз!*

Азиз устозлар ва мураббийлар! Касб байрамингиз қутлуғ бўлсин!



*Коллеж жамоаси 2004 йил 2 октябрда
ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ
байрами муносабати билан собиқ
битирувчиларни устозлари билан учрашувга
таклиф қилади.*



Манзил: Сирғали 3-мавзе 49-уй.
Тел: 57-26-98.



ЎҚИТУВЧИЛАР СПАРТАКИАДАСИ

УНИ ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ ТАШКИЛ ЭТДИ

Спорт билан шуғулланиш одамни, албатта, соғлом қилади. Соғлом кишида эса соғлом ақл бўлиши, табиийдир. Худди шу фикрнинг ҳозирда давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ҳам бежиз эмас. Шу сабабли ишчи-ходимларни соғломлаштириш ҳамма раҳбарларга масъулиятли вазифа бўлмоқда.

Бу масъулиятни Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси яхши уйдаяпти десак, муболага бўлмайди. Гапимиз исботи учун эса, 20 сентябрдан 25 сентябргача бўлиб ўтган V республика спартакиадасини айтишимиз мумкин.

Бу спартакиада Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси 2004 йил — Меҳр ва мурувват йили муносабати билан ҳамда Марказий қўмитанинг аънанавий тадбирига биноан халқ таълими ходимлари ўртасида ўтказилди.

Эрта тонгдан Тошкент вилояти Қибрай тумани ҳудудида жойлашган «Ботаника» санаторийси спорт майдонида мусобақада беллашувчи Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри халқ таълими ходимларидан ташкил топган 150 нафар иштирокчи жамланиб, машғулотларни бошлади. Биз

ни пешлайди. Иккаласи менинг ҳаётимни уйғунлаштиради. Шахмат мусобақасида голиб бўлишни хоҳлайман.

Алишер Каримов, Андижон вилояти жамоаси вакили:

— Теннис менинг энг яхши кўрган машғулоти, бундан ташқари асосий қисмини шу спорт машғулотида қатнашаётган эканман, кўз олдимда бутун Андижон аҳли турибди. Бу мусобақа жаҳон аҳамиятига молик бўлмаса-да, ўз ҳамкасбларим менинг галабамни кутишмоқда. Уларнинг ишончини оқлайман, деган умиддаман.

Биз қатнашчиларни четдан кузатиб, ҳамманинг галабага интилаётганини сездик.

Мусобақаларни ўтказишдан асосий мақсад нима? — деган саволимизга Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ташкилий ишлар бўлими бошлиғи Маҳмуда Мирзаева куйидагича жавоб берди:

— Мақсад, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги 271-сонли «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш, бундан ташқари



Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармони бажаришдир. Шу билан бир қаторда таълим ва фан ходимларини

доимий спорт ва жисмоний тарбияга жалб қилиш, турли миллий ва оммавий спорт турларини ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спорт орқали соғломлаштириш ишлари юзасидан тажриба алмашиш ва соғлом яшаш тарзини оммалаштиришдир.

Спартакиаданинг очилиш маросими ҳам бошланди. Барча иштирокчилар жамоа-жамоа бўлиб саф тортишди. Мусобақани Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Н.Акбаров кириш сўзи билан очди ҳамда барча иштирокчиларга омад тилади. Республикамиз мадҳияси янграб, мусобақага старт берилди. Спартакиадага бош ҳакам қилиб Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, миллий тоифадаги ҳакам Иброҳим Имомжонов тайинланди.

Мусобақалар спортнинг стритбол, шахмат-шашка, стол тенниси, армрестлинг, арқон тортиш турлари бўйича ўтказилди. Мусобақа дастлаб арқон тортиш билан бошланди. Уни Хоразм — Сурхондарё жамоалари бошлаб берди. Шу заминда мусобақа турлари бўйича баҳслар қизғин бошланди.

Уч кун давом этган баҳсларда ҳамма спорт турлари бўйича голиблар аниқланди.

Уч кун давом этган баҳсларда ҳамма спорт турлари бўйича голиблар аниқланди.



УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА

1-ўрин Тошкент шаҳри, 2-ўрин Андижон вилояти, 3-ўрин Наманган ва Тошкент вилояти вакилларига насиб этди.

Спорт турлари бўйича натижалар куйидагича:

СТОЛ ТЕННИСИ(аёллар)

I Мардона Аитова (Хоразм вилояти).

II Ирина Мухамушина (Андижон вилояти).

III Назира Абдуллаева (Наманган вилояти).

Эркақлар

I Алишер Каримов (Андижон вилояти).

II Олег Сухорыков (Тошкент шаҳри).

III Мухаммад Ҳамидов (Наманган вилояти).

ШАХМАТ(аёллар)

I Хосият Ашурова (Сурхондарё вилояти).

II Азиза Расулова (Тошкент шаҳри).

III Муқаддам Шокирова (Тошкент вилояти).

Эркақлар

I Комил Раҳматуллин (Сурхондарё вилояти).



Мусобақалар якунланди. Спартакиада голиблари Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг кўчма кубоги, диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Шунингдек, мусобақа дастурига киритилган спортнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида кўрсаткичларга эришган иштирок-

II Шохруҳ Холмирзаев (Тошкент вилояти)

III Иброҳим Каримов (Андижон вилояти)

ШАШКА(аёллар)

I Дилафрўз Ортиқова (Сирдарё вилояти).

II Манзура Маҳкамова (Андижон вилояти).

III Карима Мирзаева (Наманган вилояти).

Эркақлар

I Алишер Ортиқов (Сирдарё вилояти).

II Абдуқодир Тоштемиров (Андижон вилояти).

III Шоди Мавлонов (Наманган вилояти).

Армрестлинг

I Максим Дубков (Сирдарё вилояти).

II Лазиз Бўрихўжаев (Тошкент шаҳри).

III Алишер Латипов (Наманган вилояти).

Арқон тортиш (жамоа)

I Тошкент вилояти

II Андижон вилояти


III Тошкент шаҳри

Стритбол (жамоа)

I Тошкент шаҳри

II Наманган вилояти

III Навоий вилояти



чиларга Марказий қўмитанинг эс-далик совғалари топширилди.

Мусобақаларнинг тантанали ёпилиш маросимида устоз ва мураббийларга бир гуруҳ санъаткорлар дилрабо куй ва қўшиқларини тухфа қилдилар.

Шерзод АҲМАТОВ,
«Ma'rifat» мухбири
В.ГРАНКИН олган суратлар.

Futbol

Футбол шуниси билан қизиқ: севган жамоанг рақибини ютса, кўнглинг шод бўлади, кайфиятинг кўтарилади. Агар у расмий, халқаро ўйинларда зафар кучаверса, мамнулигинг икки ҳисса ошиши турган гап. 22 сентябрь куни Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси Осиё чемпионлар лигасининг чорак финал жавоб учрашувида рақиб — бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Ваҳда» жамоаси устидан йирик ҳисобда галаба қозонгани ўзбекистонлик футболсевар мухлисларни яна бир бор қувонтирди. Дастлабки баҳсда Абу-Даби шаҳрида ўзи учун керакли натижани қайд этиб келган «пахтакорчи»лар ўйиннинг илк дақиқалариданоқ та-

«ПАХТАКОР»НИНГ «ЮРИШ»И ДАВОМ ЭТАДИ


шаббусни қўлга ола билишди. Кўп ўтмай натижа кўринди: 21-дақиқада Анвар Солиев тўпни боши билан рақиб дарвозасига йўллади. Биринчи бўлим тугаши арафасида Владимир Шишелов ҳисобни 2:0 га етказди. Иккинчи бўлимда ҳужумга берилиб кетган «Ал-Ваҳда» футболчилари ўз дарвозасидан яна иккита тўп ўтказиб юбордилар. 86-дақиқада БААликлар сардори Абдулла Салим автогол муаллифига айланган бўлса, ҳакам қўшиб берган дақиқаларда Леонид Кошелев ҳисобни 4:0 га етказди.

Шунингдек, Осиё ЧЛнинг яна учта чорак финал жавоб учрашувлари бўлиб ўтди. Натижалар билан танишинг: «Чонбук Моторс» (Жанубий Корея) — «Ал-Айн» (БАА) 4:1. «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони) — «Далаян Шайде» (Хитой) 1:0. «Шаржа» (БАА) — «Сеонгнам Чунма» (Жанубий Корея) 2:5.

Икки ўйин натижасига кўра голиб бўлган жамоалар куйидаги кўринишда ярим финал учрашувларини ўтказишади: «Сеонгнам Чунма» — «Пахтакор», «Ал-Иттиҳод» — «Чонбук Моторс». Дастлабки учрашувлар 19—20 октябрь, жавоб ўйинлари эса 26—27 октябрь кунлари бўлиб ўтади.

«Пахтакор» жамоасига ушбу ўйинларда ҳам омад тилаймиз!

Шерали МАҲМАРАЙИМ
ўғли



Ҳурматли устозларимиз Инобат опа, Гулчехра опа ва Мунира опа!
Сизларни устозлар ва мураббийлар байрами билан самимий табриклаймиз. Сиздек азиз ва меҳридарё устозларимизга узоқ умр, сихат-саломатлик, биздек ёш авлодни тарбиялашда сабр-қаноат тилаймиз.

Ҳамза туманидаги 255-мактаб жамоаси ва ўқувчилари



Ҳурматли касбдошимиз Латипова Ўктам опа!
Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз. Яна кўп йиллар сафимизда соғ-саломат бўлиб, ёш авлодларга тарбия бериб юришингизни тилаймиз.

Юнусобод туманидаги 272-мактаб жамоаси



Оқдарё тумани Мирзо Улугбек номидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Гулсара Қурбонова!
Сизни 1-октябрь — ўқитувчилар ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами ҳамда таваллуд айёмингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз. Ёш авлод тарбияси йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилишингизни, фарзандларингиз ва шогирдларингиз бахтига доимо соғ-саломат бўлишингизни тилаб қоламиз.

Мактаб жамоаси, шогирдларингиз ва фарзандларингиз.

Ko'ngil
bitiklari

ОЛТИНСОЙ

Борлигин қилар кўз-кўз
Бағри баҳор Олтинсой.
Таърифига ожиз сўз,
Айтсам наҳор Олтинсой.

Далалари файзли,
Кўзинг қувнар қарасанг.
Узумзори майизли,
Тоғига чик, яйрайсан.

Вахшиворнинг дараси
Чорлар сени ёнига.
Келаётир тўраси,
Хабар етказ парига.

Боқсам кўзим тўймайди
Кечаси юлдузига.
Маҳлиёман ўзига —
Хусайни, жовузига.

Сарин-сарин сабоси
Қалбимни яйратади.
Дардга даво ҳавоси,
Булбулдай сайратади.

Таърифига ожиз сўз,
Айтсам сахар Олтинсой.
Борлигин қилар
кўз-кўз,
Бағри баҳор Олтинсой.

Дилноза БОБОМИРЗАЕВА,
Олтинсой туманидаги
5-иктидорли болалар
мактаб-интернати ўқувчиси



ЭНИГА:


5. Ёзув қуроли.
6. 28-жаҳон олимпиадаси ўтказилган давлат пойтахти.
7. Тола берадиган техника экин.
8. Эркин шаклда ёзилган чолғу куйи.
9. Озиқ-овқат маҳсулот.
10. Тиканли жонзот.
11. Тўғри бурчакли учбурчак томони.
12. Ақлий спорт ўйини.
13. Қазилма бойлик.
14. Испания футбол жамоаси.
15. Машҳур рус кинорежиссёри, актёри ва театр арбоби.
16. Кузги резги.
17. Афсонавий қуш.
18. Америка кимёгари, геохимиги.
19. Сўровнома.
20. Олдиндан бериладиган маблағ.
21. Республикамиздаги вилоят.
22. Ўзбекистоннинг Олий лигадаги футбол жамоаси.
23. Данакли мева.

ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИ, КУТУБХОНАЧИЛАР
ҲАМДА ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!!!

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти томонидан 2004-2005 ўқув йили учун қуйидаги дарсликлар чоп этилди:

Ўзбек мактаблари учун:

1. В.Костецкий "Конституция алифбоси" 2-синф 638 сўм
2. В.Костецкий "Конституция алифбоси" 3-синф 693 сўм
3. В.Костецкий "Конституция алифбоси" 4-синф 777 сўм
4. Конституция оламига саёҳат 5-синф 564 сўм
5. Конституция оламига саёҳат 6-синф 680 сўм
6. Жаҳон тарихи 7-синф 1788 сўм
7. Геометрия 7-синф 820 сўм
8. Ўзбекистон тарихи 8-синф 1166 сўм
9. Чизмачилик 9-синф 688 сўм
10. Конституциявий ҳуқуқ асослари 9-синф 725 сўм
11. Жаҳон тарихи (кирилл) 10-синф 1420 сўм
12. Хидоятлов "Жаҳон тарихи" 10-синф 1572 сўм
13. Ҳуқуқшунослик 10-синф 1561 сўм
14. Умумий биология 10-синф 1220 сўм
15. Ўзбекистон тарихи 10-синф 1819 сўм
16. "Ҳуқуқшунослик" (кирилл) 10-11 синф 1515 сўм
17. Умумий биология (кирилл) 10-11 синф 1596 сўм
18. Жаҳон тарихи 11-синф 1760 сўм
19. Ўзбекистон тарихи 11-синф 1750 сўм
20. Ҳуқуқшунослик 11-синф 855 сўм
21. Умумий биология 11-синф 898 сўм.



Рус мактаблари учун:

1. В.Костецкий "Азбука конституции" 2-класс 777 сўм.
2. В.Костецкий "Азбука конституции" 3-класс 777 сўм.
3. В.Костецкий "Азбука конституции" 4-класс 777 сўм.
4. С.Зинин и др. "Русский язык" 5-класс 1015 сўм.
5. В.Костецкий "Путешествие в мир конституции" 5-класс 497 сўм.
6. В.Костецкий "Путешествие в мир конституции" 6-класс 879 сўм.
7. С.Зинин и др. "Русский язык" 6-класс 1045 сўм
8. А.Сагдуллаев "История Узбекистана" 6-класс 890 сўм
9. Литература 6-класс 2420 сўм.
10. В.Костецкий "Путешествие в мир конституции" 7-класс 495 сўм.
11. Русский язык 8-класс 605 сўм.
12. История Узбекистана 8-класс 1166 сўм.
13. Основы конституционного права 9-класс 1206 сўм.
14. Общая биология 10-11 класс 1596 сўм
15. Русский язык 10-11 класс 1000 сўм.
16. Коллектив "Правоведение" 10-11 класс 1829 сўм.
17. Г.Хидоятлов "Всемирная история" 10 класс 1420 сўм.
18. История Узбекистана 10-класс 965 сўм.
19. Всемирная история 11-класс 1075 сўм.
20. История Узбекистана 11-класс 1170 сўм.

Диққат! Диққат! "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси яқин кунларда 6-синф учун тарих дарслигини илк маротаба лотин алифбосида ҳамда химия (7-синф), география (6-синф), география (8-синф) дарслиklarини ўзбек ва рус тилларида чоп этади.

Дарсликлар тоғиж, қозоқ, туркман, қирғиз тилларида ҳам мавжуд. Сиз ушбу дарсликларни ҳамда бадий, иқтисодий ва маърифий мавзудаги, шунингдек, болалар учун нашр этилган янги алифбодаги китобларни "Шарқ зиёкори" китоб дўкони ва унинг вилоятлардаги филиаллари орқали чекланмаган миқдорда нақд ёки пул ўтказиш йўли билан улгуржи харид қилишингиз мумкин. Улгуржи хариддорларга чегирма (скидка) берилади.

Манзилмиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 26, "Шарқ зиёкори" китоб дўкони (мўлжал: Алишер Навоий номидаги театр), тел: 133-58-72, 133-35-90


Вилоятларда:

Бухоро шаҳри, Иқбол кўчаси 11-уй, тел: 22-37-596
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси (Оқ бозор биноси), тел: 226-42-93.
Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 71. тел: 25-38-93.
Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: 33-23-8-68.
Наманган шаҳри, Аҳси кўчаси, (Сардоба бозори ёнида) тел: 6-48-31.
Хива шаҳри, Қўриқхона "Ичан-Қалъа", тел: 5-36-52.
Навоий шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 14, тел: 223-01-30.
Қарши шаҳри, 7-микрорайон, 9-уй, тел: 227-66-44.
Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Янгиқўрғон қишлоғи, Навоий кўчаси, 1, тел: 92-942.
Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги "Илм шуъласи" ОАЖ бозори.



Биз билан ҳамкорлик қилишга шошилин! Нархлар сизни қаноатлантиради!

«ҲАНДАЛАК» КРОССВОРДИ



34. Россиядаги дарё.
35. Фасллар келинчаги.

БЎЙИГА:

1. Ўзбек спорти.
2. Физиканинг бир бўлими.
3. Атмосфера босимини ўлчовчи асбоб.
4. Мактаб жиҳози.
5. Арифметик амал.
6. Венесуэладаги дарё.
7. Ўзбекистондаги вилоят.
8. Қимматбаҳо металл.
9. Барча сўзининг синоними.
10. Пуфлаб чалинадиган соз.
11. Ёғин.
12. Қандолатчилик маҳсулот.
13. Ёқимли ҳидли полиз экин.
14. «Полк ўғли» қиссаси муаллифи.
15. Шимолий Америкадаги давлат.
16. Европадаги давлат пойтахти.
17. Рўзғор буюми.

Тузувчи: Т.ҒАНИЕВ

Xullas...

168 ЙИЛЛИК УМР

Ер кўррасининг турли бурчакларида узоқ умр кўрувчилар топилади, аммо кўп эмас. Энг сўнгги маълумотлардан бири индонезиялик 126 ёшдаги Сомо Сантонага оид. Бу кампирнинг 10 нафар фарзанди, 40 невараси, 15 чевараси ва ниҳоят, 5 нафар эвараси бор. 2003 йилнинг охирида унга махсус халқаро гувоҳнома берилган.

Худди шундай сертификат Хиндистоннинг Жайпур шаҳрида истиқомат қилган харбий хизматчи Ҳабиб Миянга ҳам тақдим этилган эди. Серфарзанд оила соҳибларидан бири бўлган бу кишига ҳам Оллоҳ узоқ умр кўриш бахтини берган. Покистонлик Ҳабиб Миян 2002 йилда 136 ёшга тўлиб, вафот этган.

Дунё бўйича узоқ умр кўрувчилар рўйхати 2002 йилда амалга оширилган бўлиб, эркаклар ўшанда 967 кишини ташкил қилган эди. Аёллар ўртасида эса, бу кўрсаткич жуда юқори — 5685 нафар. Узоқ йил яшовчилар билан шуғулланувчи мутахассислар инсоннинг умрини 200 йилгача етказиш мумкин шекли, деб ҳисоблашмоқда. Чунки доғистонлик Шерали Мислимов 168 йил умргузаронлик қилган экан.

ЎЙИНЧОҚЛАР...
ЗАҲАРЛИ?

Балиқча, илонча, ўргимчак ва сакрайдиган, турли овоз чиқарадиган ҳар хил ўйинчоқларнинг Хитойда тайёрланганлиги тўғрисидаги ёрлиги Тюмень санитария-эпидемиология станцияси ходимларини шубҳалантира бошлади. Ўйинчоқлар зудлик билан лабораторияга келтирилди.

Текшириш натижалари шуни кўрсатдики, ўйинчоқларга метил спирти, нефть маҳсулотлари, хром ва яна алламбалолар аралаштириб тайёрланган. Уларда божхона ҳужжатлари йўқ. Савдо дўконлари ходимларининг ноқонуний характердаги яширин корхоналар билан тил бириктириб катта даромад орттирмоқчи эканликлари кундек равшан бўлди. Болаларга овуноқ вазифасини ўтайдиган бу матолар аслида Хитойники эмас, Россиянинг маҳсулотига ўхшайди. Ўзингдан чиққан балога, қайга борарсан даъвога, деганларидек, эндиликда Россиянинг тегишли идоралари барча дўконлардаги ўйинчоқлар савдосини тўхтатди.

ana shunaqa
gaplar

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида
Лилия БИНАШЕВА
ва Малаҳат ТОШОВА
саҳифалади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа
акционерлик компанияси
босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон»
кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.

Ma'rifat

ТАБСИС
ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими
вазирлиги, Ўзбекистон
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги,
Ўзбекистон Таълим ва
фан ходимлари касба
уюшмаси Марказий
Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ,
Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром
БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Шукур ЖОНБОВ, Фахриддин
КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой
МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ,
Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирининг
биринчи ўринбосари), Хулқар ТҮЙМАНО-
ВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла
ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
№ 024 рақам билан 2003 йил
17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149. Г-1029.
Тиражи 20377. 1 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз
бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:
Назокат ХОЛМЕТОВА.
Навбатчи:
Ғофур ЖАБИЕВ.

"Маърифат"дан материалларни кўчириб босиш
тахририят рўхсати билан амалга оширилиши шарт.
Тахририятга юборилган материаллар муаллифга
қайтарилмайди.

белгиси остида реклама материаллари берилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 133-99-15, олий
таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мак-
табдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —
136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт ян-
гиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таъ-
лим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касба
йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари
бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўли-
ми — 136-54-69.